



**ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ**

**НОВЫЕ ЗАКОНЫ  
УЗБЕКИСТАНА**

**24**

“АДОЛАТ”

Ўзбекистоннинг янги қонуллари (Нашр учун масъуллар: М. М. Мирсамадов, Ш. А. Чўллийев). Т.: «Адолат», 2001 — 176 б.

Сирл олдида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

ББК 67.99(54) — 3

Нашр учун масъуллар: М. М. МИРСАМАДОВ, *Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист.*,  
Ш. А. ЧУЛЛИЕВ.

**NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI**  
Axborot-resurs markazi

Ў 1203020000 — 025 — 2001  
(04) — 2001

© «Адолат» 2001

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
II-чақириқ III-сессиясида қабул қилинган  
қонун ва қарорлар

(2000 йил 30—31 август)

# «ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

2000 йил 30 август

### Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 7—8-сон, 202-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:

1. «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилсин.
2. «Жалолиддин Мангуберди» ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Жалолиддин Мангуберди» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5—6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда) «Амир Темур ордени» деган сўзлардан сўнг «Жалолиддин Мангуберди ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. ҚАРИМОВ

# «ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДАГИ

## Н И З О М

1. «Жалололиддин Мангуберди» ордени билан мамлакат мустақиллигини, Ватан сарҳадларини, она юрт тупроғини ҳимоя қилишда ҳамда уни кўз қорачиғидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган кўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотланадилар.

2. «Жалололиддин Мангуберди» ордени Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий мукофоти ҳисобланади.

3. «Жалололиддин Мангуберди» ордени билан мукофотлашга доир тақдимнома мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари республика органларининг раҳбарлари томонидан киритилади.

4. «Жалололиддин Мангуберди» ордени билан мукофотлаш ва орденни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

5. «Жалололиддин Мангуберди» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

Жалололиддин Мангуберди ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

6. «Жалололиддин Мангуберди» ордени кўкракнинг ўнг томонига, Амир Темур орденидан кейин тақилади.

7. «Жалололиддин Мангуберди» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла бериладиган пул тўлови мукофотланганнинг оиласига топширилади.

# ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ОРДЕНИНИНГ

## ТАВСИФИ

«Жалолiddин Мангуберди» ордени 925 пробали кумушдан тайёрланади, қиррадор кумушранг нурлар таралган бешбурчак шаклга эга. Бешбурчак жо бўлган доиранинг диаметри 55 миллиметрдир.

Орденнинг марказида, оқ айлана билан ҳошияланган доирада, таралаётган нурлар фонида Жалолiddин Мангубердининг қабарик зарҳал тасвири жойлашган. Сиймо ортидаги фон ҳаворанг-мовий эмаль билан қопланган.

Айлананинг юқори қисмида доира бўйлаб «**JALOLIDDIN MANGUBERDI**» деган ёзув жойлашган. Айлананинг сирт диаметри 35 миллиметр.

Айлананинг пастки қисмида яшил эмаль қопланган иккита дафна новдаси симметрик тарзда жойлашган бўлиб, барглари орасига фианит кристаллар ўрнатилган.

Айлана узра, марказ бўйлаб ўлчами бўйича диаметри 8 миллиметрли доирага жо бўладиган тилларанг мусамман жойлашган.

Орденнинг орқа томони ботиқ. Уртасида бурама қадағичи бор. Пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталикидаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

# ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ОРДЕНИНИНГ

## ТАВСИФИ

«Жалолiddин Мангуберди» ордени 925 пробали кумшдан тайёрланади, қиррадор кумушранг нурлар таралган бешбурчак шаклга эга. Бешбурчак жо бўлган доиранинг диаметри 55 миллиметрдир.

Орденнинг марказида, оқ айлана билан ҳошияланган доирада, таралаётган нурлар фонида Жалолiddин Мангубердининг қабариқ зарҳал тасвири жойлашган. Сиймо ортидаги фон ҳаворанг-мовий эмаль билан қопланган.

Айлананинг юқори қисмида доира бўйлаб «**JALOLIDDIN MANGUBERDI**» деган ёзув жойлашган. Айлананинг сирт диаметри 35 миллиметр.

Айлананинг пастки қисмида яшил эмаль қопланган иккита дафна новдаси симметрик тарзда жойлашган бўлиб, барглари орасига фианит кристаллар ўрнатилган.

Айлана узра, марказ бўйлаб ўлчами бўйича диаметри 8 миллиметрли доирага жо бўладиган тилларанг мусамман жойлашган.

Орденнинг орқа томони ботиқ. Уртасида бурама қадағичи бор. Пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

**ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ҲСИМЛИКЛАРИНИ  
ЗАРАРҚУНАНДАЛАР, КАСАЛЛИКЛАР ВА БЕГОНА  
ЎТЛАРДАН ҚИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

**2000 йил 31 август**

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 7—8-сон, 208-модда)**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади қишлоқ хўжалик ҳсимликларини зарарқунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан қимоя қилишни таъминлаш, ҳсимликларни қимоя қилиш воситаларининг инсон соғлиғига, атроф табиий муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ҳсимликларни қимоя қилиш тўғрисидаги  
қонун ҳужжатлари**

Ҳсимликларни қимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳсимликларни қимоя қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ҳсимликларни қимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:



**бегона ўтлар** — биологик ва экологик жиҳатдан маданий ўсимликлар орасида ўсиб кўпайишга мослашган, ҳосилни ҳамда маҳсулот сифатини пасайтирувчи ёввойи ёки ярим хонаки ўсимликлар;

**зараркунандалар** — қишлоқ хўжалик ўсимликларига ва уларнинг ҳосилига зарар етказадиган жониворлар ва ҳашаротлар;

**пестицидлар** — ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашда ишлатиладиган кимёвий моддалар, шунингдек қишлоқ хўжалик ўсимликлари ривожининг регуляторлари ва дефолиантлари;

**фитосанитария назорати** — зарарли организмлар ва улар табиий кушандаларининг тарқалиши, шунингдек уларнинг ривожланиш суръати ва зарарлилик даражасини кузатиб бориш ҳамда аниқлаш;

**ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари** — ўсимликларни ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган кимёвий ва биологик воситалар;

**ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш регламенти** — ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида қўлланиладиган ҳар бир кимёвий ёки биологик воситадан фойдаланишда ривож этилиши шарт бўлган талаблар (усуллар, даврийлик, муддатлар, нормалар ва бошқалар);

**ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик воситалари** — ўсимлик зараркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашда ишлатиладиган табиий организмларга айнан ўхшаш биологик моддалар, сунъий равишда яратилган мавжудотлар, генетик етиштирилган ўсимлик ёки бошқа организм.

#### 4-модда. **Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорати**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси махсус ваколат берган орган (бундан бунён — махсус ваколатли орган деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат

қўмитаси ва бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **5-м о д д а. Махсус ваколатли органнинг ваколатлари**

**Махсус ваколатли орган:**

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг самарали, экологик жиҳатдан хавфсиз ва кам заҳарли воситаларини қўллаш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва уларнинг ҳосилини сақлаб қолишга қаратилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишнинг ягона сиёсатини амалга оширади;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовлари натижалари юзасидан хулоса беради;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш регламентлари ва қоидаларини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхатини юритади ҳамда вақти-вақти билан эълон қилиб боради;

Ўсимликларни ҳимоя қилишда Қўлланилиши тақиқланган ҳамда чекланган фаол ва нофаол ингредиентлар реестрини юритади;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш, уларни қўллаш регламентларига риоя этиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг инсон соғлиғи ва атроф муҳитга таъсирини аниқлаш билан боғлиқ давлат бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича олиб келинаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг сифати устидан назоратни уюштиради, улардан фойдаланишга доир хулосалар беради, агар инсон соғлиғи ва атроф муҳитга номақбул таъсир кўрсатаётгани аниқланса, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўяди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6-м о д д а. **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

ўсимликларни ҳимоя қилишнинг давлат дастурларини рўёбга чиқаради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа мамлакатлардан ўсимликларнинг карантинли ва ўта хавфли зараркунандалари, касалликлари ҳамда бегона ўтлар кириб келиши хавфининг олдини олиш ва унга барҳам бериш чораларини кўради;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, янги техника ва технология жараёнлари ҳамда улардан фойдаланиш усулларини яратиш, синаш ва жорий этишга доир илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва лойиҳалаш ишларини мувофиқлаштиради;

ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар тайёрланиши, қайта тайёргарликдан ўтказилиши ва ма-лакаси оширилишини таъминлайди;

кимёвий, биологик ва бошқа препаратларни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар, тавсияномалар ишлаб чиқади ва уларни тасдиқлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан самарали фойдаланишни, шунингдек уларни ташиш, сақлаш қоидалари ва қўллаш регламентларига риоя этилишини уюштиради;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларига бўлган, фавқулодда вазият ҳоллари учун эса кимёвий воситаларнинг захира-ларини шакллантиришга бўлган эҳтиёжини аниқлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллашнинг сифати устидан назорат олиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7-м о д д а. **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология хизматининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати:

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, сақлаш, реализация қилиш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш нормалари, қоидалари ҳамда нормативларига риоя этилиши устидан санитария-гигиена назоратини амалга оширади;

токсикологик-гигиеник жиҳатдан баҳо бериш бўйича илмий тадқиқотлар ташкил этади ва ўтказди, пестицидларнинг озиқ-овқат маҳсулотларидаги, ишлаб чиқариш ва атроф муҳит объектларидаги гигиеник нормативлари ҳамда регламентларини ишлаб чиқади;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг давлат санитария-гигиена экспертизасини ўтказди;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан бевожита ишлайдиган шахсларнинг дастлабки ва вақти-вақти билан тиббий кўриклардан ўтишини, пестицидлар билан заҳарланган беморларга ташхис қўйилишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **8-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг атроф табиий муҳитга кўрсатадиган таъсирига баҳо беради;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг давлат экологик экспертизасини ўтказди;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг яроқсизларини, чиқиндилари ва идишларини кўмиб ташлаш учун белгиланган тартибда рухсатномалар беради;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, бошқа кимёвий моддалар ва дориларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, йўқ қилиб ташлаш ва кўмиб ташлашда атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## 9-м о д д а. Давлат фитосанитария назорати

Давлат фитосанитария назорати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати томонидан амалга оширилади.

## 10-м о д д а. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

Юридик ва жисмоний шахслар ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида:

зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларнинг кенг ривожланиши ҳамда тарқалишининг олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ерларини мунтазам равишда назарларидан ўтказишлари ва ҳимоялаш тадбирларини амалга оширишлари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматининг талабига биноан ўз ҳудудларидаги ерлар, ўсимликлар ва сақланаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг фитосанитария ҳолатига, шунингдек уларни ҳимоя қилиш тадбирларининг амалга оширилиши ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланилишига доир маълумотни тақдим этишлари;

одамлар ва жониворларнинг хавфсизлигини таъминлашлари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини хавfli фитосанитария оқибатларига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан хабардор қилишлари;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини олиб кириш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш юзасидан белгиланган қоидалар ҳамда тартибга риоя этишлари, мазкур воситалар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва атроф муҳитни ифлослантиришига йўл қўймасликлари шарт.

Юридик ва жисмоний шахслар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## 11-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ёки бошқа мамлакатлардан олиб келинадиган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхатга олиниши шарт.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш махсус ваколатли орган томонидан рўйхатга олиш синовларининг натижалари асосида амалга оширилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари беш йил муддатга рўйхатга олинади.

Белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, олиб келиш, реализация қилиш ва қўллаш тақиқланади.

## 12-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовлари

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовлари уларни қўллаш регламентларини ишлаб чиқиш ва асослаш учун ўтказилиб:

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш самарадорлигини аниқлашни;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг инсон соғлиғига салбий таъсирининг қай даражада хавфлилигини баҳолашни ва гигиена нормативларини, санитария нормалари ҳамда қоидаларини ишлаб чиқишни;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллашга экологик жиҳатдан баҳо беришни ўз ичига олади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш тўғрисида талабнома берган юридик ва жисмоний шахслар рўйхатга олиш синовларини ўтказиш учун ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг техник ҳужжатлари ва намуналарини тақдим этишлари шарт.

Рўйхатга олиш синовларини ўтказиш муддати икки йилдан ошмаслиги лозим.

## 13-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовларининг натижаларига доир хулоса

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовларининг натижаларига доир хулоса махсус ваколатли орган томонидан тайёрланади.

Рўйхатга олиш синовлари натижаларига доир хулоса тайёрлаш муддати олти ойдан ошмаслиги лозим.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш тўғрисида талабнома берган, шунингдек уларни яратган шахслар ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовлари натижаларига доир хулоса тайёрланишида қатнашишга ҳақли эмаслар.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовлари натижаларига доир хулоса устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

#### **14-м о д д а. Рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома**

Махсус ваколатли органнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасини рўйхатга олиш ҳақидаги қарори рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома бериш ва воситани Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхатига киритиш учун асос ҳисобланади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **15-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қайта рўйхатга олиш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қайта рўйхатга олиш белгиланган тартибда махсус ваколатли орган томонидан тегишли ариза асосида амалга оширилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари янги муддатга қайта рўйхатга олинганда улар қайта рўйхатга олиш муддати давомида махсус ваколатли органнинг рухсати билангина қўлланилиши мумкин.

#### **16-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик ва қайта рўйхатга олганлик учун ҳақ тўлаш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик ва қайта рўйхатга олганлик учун тўланадиган

ҳақ миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**17-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг рўйхатга олинганлигини бекор қилиш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин: қўлланилаётган воситалар таркибида аралашмалар бўлса ёки уларнинг таркиби рўйхатга олинган таркибдан фарқ қилса;

рўйхатга олинган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари қўлланилганда фуқаролар соғлиғига, атроф муҳитга ёки фойдали энтомофагларга зарар етказилиши эҳтимоли тўғрисида янги илмий жиҳатдан тасдиқланган маълумотлар мавжуд бўлса.

Рўйхатга олинган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг номақбул хоссалари, биологик жиҳатдан самарадорлиги паст эканлиги аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг хулосаси асосида махсус ваколатли орган уларнинг рўйхатга олинганлигини бекор қилади.

**18-м о д д а. Тақиқланган фаол ва нофаол ингредиентларни ҳисобга олиш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг қўлланилиши тақиқланган ёки чекланган фаол ва нофаол ингредиентларини махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда аниқлайди ва Қўлланилиши тақиқланган ва чекланган фаол ҳамда нофаол ингредиентлар рестрига киритади.

**19-м о д д а. Ўсимликлари ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тарзида қўллаш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш юзасидан рўйхатга олинмаган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўлла-



ган тарзда шошилиш чоралар кўриш талаб қилинадиган вазиятлар юзага келган ҳолларда бундай воситаларни бир йилгача муддатда тажриба тарзида қўллашга йўл қўйилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тарзида қўллаш учун рухсатнома махсус ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати билан келишилган ҳолда берилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тарзида қўллаш учун рухсатнома беришда махсус ваколатли орган тажриба раҳбарини, шунингдек уни ўтказиш қоидалари ва шартларини белгилайди.

Тажриба тарзида қўллаш муддати туганидан кейин тажриба раҳбари махсус ваколатли органга тажриба натижалари тўғрисида ҳисобот, шунингдек ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг қолдиқлари, тажриба ўтказишда фойдаланилган приборлар ва мосламаларнинг турган жойи ҳақида ҳисобот тақдим этади.

#### **20-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини стандартлаш, сертификатлаш ва маркировкалаш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини стандартлаш, сертификатлаш ва маркировкалаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **21-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини реализация қилиш, олиб кириш ва олиб чиқиш**

Мувофиқлик сертификатига эга бўлган, рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхатига киритилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини реализация қилиш, олиб кириш ва олиб чиқишга йўл қўйилади.

**22-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари-  
ни қўллаш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари фитосанитария, санитария ва экология вазиятини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланилади.

**23-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан ишлаётгандаги эҳтиёт чоралари тўғрисидаги маълумот**

Истеъмолчиларни ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан ишлаётгандаги эҳтиёт чоралари тўғрисидаги маълумот билан таъминлаш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташиш, қўллаш ва сақлашга доир маълумот ҳамда огоҳлантирувчи маркировкаси бўлган идиш ёрлиғини тақдим этишлари шарт.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташиш, қўллаш ва сақлаш тўғрисидаги тавсияномаларнинг шакли ва уларни тасдиқлаш тартибига ҳамда идиш ёрлиғига нисбатан қўйиладиган талаблар махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

**24-м о д д а. Кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материалларни сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, йўқ қилиб юбориш, утилизация қилиш, ташиш ва кўмиб ташлашга доир талаблар**

Юридик ва жисмоний шахслар кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материалларни сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, ташиш ва кўмиб ташлаш чоғида фуқароларнинг санитария-эпидемиология жиҳатидан беҳатарлигини таъминловчи санитария-гигиена нормалари, қоидалари ва нормативларига, ҳайвонат дунёси ва ҳайвонларнинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш талабларига, ўсимлик дунёси объектлари ва уларнинг ўсиб кўпайиш муҳитини муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари шарт.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини фақат уларни сақлашга мўлжалланган махсус омборхоналарда сақлашга руҳсат этилади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини илтифат билан сақлаш таъқиқланади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини фақат махсус мосланган транспорт воситаларида ташишга йўл қўйилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сақлаш ва ташиш чоғида одамлар соғлиғига ва атроф муҳитга зарар етказилишини истисно этадиган талабларга риоя қилиниши зарур.

Яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) қўлланилиши тақиқланган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, шунингдек уларнинг идишларини зарарсизлантириш, утилизация қилиш, йўқ қилиб юбориш ва кўмиб ташлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) қўлланилиши тақиқланган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, шунингдек уларнинг идишларини йўқ қилиб юбориш усуллари ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг тайёрловчилари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда махсус ваколатли орган, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишиб олинади.

#### **25-м о д д а. Экологик хавф эҳтимоли бўлган вазиятлар**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган ўта токсик, кучли таъсир этувчи заҳарли, радиоактив ва бошқа моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланишда экологик хавфли вазиятлар юзага келиши эҳтимоли пайдо бўлганда тегишли ишлаб чиқариш объектлари атрофида, транспорт магистраллари ёқалаб қонун ҳужжатларига мувофиқ алоҳида ҳуқуқий режим ўрнатилади.

#### **26-м о д д а. Ўзларига бериб қўйилган ер участкаларида фуқароларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиши**

Ўзларига бериб қўйилган ер участкаларида фуқаролар фойдаланадиган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари оддий ва ишлатиш учун хавфсиз бўлиши лозим.

Ўзларига бериб қўйилган ер участкаларида фуқаролар фойдаланишларига рухсат этилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхати махсус ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

**27-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги низоларни ҳал этиш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**28-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

**«ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК ҰСИМЛИҚЛАРИНИ  
ЗАРАРҚУНАНДАЛАР, КАСАЛЛИҚЛАР ВА БЕГОНА  
ЎТЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА  
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

**2000 йил 31 август**

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 7—8-сон, 209-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:

1. «Қишлоқ хўжалик ўсимлиқларини зарарқунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Қишлоқ хўжалик ўсимлиқларини зарарқунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

ПОЧТА АЛОҚАСИ ТЎҒРИСИДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

2000 йил 31 август

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 7—8-сон, 210-модда)

1-м о д д а. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади почта алоқасини ташкил этиш, унинг фаолияти ва ривожланиши соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

2-м о д д а. Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.

3-м о д д а. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**абонентлик почта жавони** — турар жой биносининг кириш йўлаги (вестибюли) да, шунингдек хат-хабарлар ва даврий нашрлар етказиладиган участкада адресатларнинг ёзма хат-хабарлар ва даврий нашрларни олишлари учун ўрнатиладиган, қулфланадиган қутичалардан иборат махсус жавон;

**адресат** — почта жўнатмаси, пул маблағларининг почта ўтказмаси, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар йўлланган юридик ёки жисмоний шахс;

**ёзма хат-хабарлар** — оддий, буюртма ва қимматли хатлар, бандероллар, оддий ва буюртма почта варақчалари ҳамда секограммалари (кўзи ожизлар учун), шунингдек майда пакетлар;

**миллий оператор** — почта алоқаси миллий оператори, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан зиммасига Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда универсал хизматларни мажбурий равишда кўрсатиш вазифаси юклатилган оператор;

**номли буюм** — ҳужжатлар ва почта жўнатмаларига почта алоқаси объектининг номи, почта жўнатмаси қабул қилинган ва етказилган сана ҳамда бошқа маълумотлардан иборат тамға туширувчи қурилма;

**оператор** — почта алоқаси оператори, яъни мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида почта алоқаси тармоғига эгалик қилувчи ва почта алоқаси хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**почта алоқаси** — почта жўнатмаларини, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш (қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш, ўтказиш)ни ва етказиб бериш (топшириш)ни таъминловчи техник ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуини ўзида мужассамлаштирган алоқа тури;

**почта алоқаси воситалари** — почта алоқаси хизматларини кўрсатиш учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, техника ва транспорт воситалари, шунингдек почта конвертлари, варақчалари ва идишлар;

**почта алоқаси объектлари** — почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари, яъни почтамтлар, почта алоқаси узеллари, бўлимлари ва пунктлари, шунингдек темир йўл станциялари ва аэропортлар қошидаги почта алмашиш пунктлари;

**почта алоқаси тармоғи** — почта алоқаси объектлари ва почта йўналишлари мажмуи;

**почта алоқаси хизматлари** — оператор ёки провайдернинг почта жўнатмаларини, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш бўйича фаолияти;

**почта жўнатмалари** — манзили кўрсатилган ёзма хат-хабарлар, посилкалар, тўғри жўнатиловчи почта контейнерлари ва тегишлича ўровдаги босма нашрлар;

**почта индекси** — почта алоқаси объекти манзилининг шартли белгиси;

**почта тўловининг давлат белгилари** — почта жўнатмаларидаги почта алоқаси хизматлари ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи почта маркаси ва франкирлаш машинасининг тамға изи;

**почта қутиси** — оддий хатлар ва почта варақчаларини йиғишга мўлжалланган, белгиланган шакл ва ўлчамдаги, оператор ёки провайдернинг қулфланадиган махсус қутиси;

**провайдер** — почта алоқаси хизматлари провайдери, яъни фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини тижорат асосида почта алоқаси операторининг тармоғи орқали кўрсатувчи юридик ёки жисмний шахс;

**пул маблағларининг почта ўтказмаси** — почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта алоқаси ва пул маблағларини жўнатишдан иборат хизмати;

**таянч пунктининг почта жавони** — почта жўнатмаларини етказиш участкасида почта жўнатмаларини вақтинча сақлаш ёки адресат почта жўнатмаларини олиши учун мўлжалланган, қулфланадиган махсус жавон;

**умумий фойдаланишдаги почта алоқаси** — барча юридик ва жисмоний шахслар фойдаланиши учун оммавий шартнома шартлари асосида очиқ бўлган почта алоқасининг тури;

**универсал хизматлар** — почта алоқасининг универсал хизматлари, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий фойдаланишдаги почта алоқасининг ёзма хат-хабарларни жўнатиш бўйича барча фойдаланувчиларга кўрсатиладиган хизматлари;

**фойдаланувчи** — почта алоқаси хизматидан фойдаланувчи, яъни почта алоқаси хизматларининг истемолчиси ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахс;

**франкирлаш машинаси** — ёзма хат-хабарларга почта алоқаси хизматлари учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи почта тўловининг давлат белгиларини, ушбу хат-хабарларни қабул қилиш санасини ва бошқа маълумотларни туширишга мўлжалланган машина;

**қимматли почта жўнатмалари** — фойдаланувчи томонидан жўнатиш вақтида жойланма қиймати эълон қилинган почта жўнатмалари.

#### **4-м о д д а. Почта алоқаси фаолиятининг асосий принциплари**

Почта алоқаси соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

ҳамма фойдаланувчилар учун очиқлиги;



Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида почта жўнатмалари транзитининг эркинлиги;

умумий фойдаланишдаги почта алоқаси фаолияти-да иштирок этишда юридик ва жисмоний шахсларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

ҳар бир шахснинг ёзишмалари ва почта жўнатмалари сир тутилиши ҳуқуқини таъминлаш;

почта алоқаси соҳасида стандартлар, қоидалар ва нормаларнинг ягоналиги.

#### **5-м о д д а. Почта алоқаси мулки**

Почта алоқасининг мол-мулки оммавий ёки хусусий бўлиши мумкин.

Почта алоқасининг мулкдорлари қонун билан кафолатланган тенг ҳуқуқларга эгадир.

#### **6-м о д д а. Почта алоқаси турлари**

Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси умумий фойдаланишдаги почта алоқаси ва махсус мўлжалланган почта алоқасига бўлинади.

Умумий фойдаланишдаги почта алоқаси оператор ва провайдерлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида почта алоқаси фаолиятининг ягона принциплари асосида амалга оширилади.

Махсус мўлжалланган почта алоқаси қўйидагиларга бўлинади:

почта алоқаси соҳасида махсус ваколатли органнинг махсус алоқаси;

давлат фельдъегерлик алоқаси;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фельдъегерлик-почта алоқаси.

Махсус мўлжалланган почта алоқасининг фаолияти қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

#### **7-м о д д а. Почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш**

Почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ягона илмий-техникавий сиёсатни шакллантириш, лицензиялаш, сертификатлаштириш, солиқ солиш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар билан амалга оширилади.

Почта алоқаси соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган махсус ваколатли орган (бундан буён — махсус ваколатли орган деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

### **8-м о д д а. Махсус ваколатли орган**

Махсус ваколатли орган:

почта алоқасини ривожлантириш миллий дастурларини амалга оширади;

умумий фойдаланишдаги почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларини (бундан буён — почта қоидалари деб юритилади) тасдиқлайди;

универсал хизматлар тарифини тартибга солади;

почта алоқасининг техник воситаларини белгиланган талабларга мувофиқлигига доир сертификатлаштириш ишларини ташкил этади;

давлат почта тўлов белгиларининг намуналарини тасдиқлайди ва уларни нашр этиш, муомалага киритиш ва муомаладан чиқариш тартибини белгилайди;

операторлар ва провайдерлар учун мажбурий бўлган почта индексларини, ёзма хат-хабарларнинг олиб кетиш даврийлиги нормативларини, шунингдек почта жўнатмалари ўтишининг назорат муддатларини тасдиқлайди;

почта алоқаси тармоқлари ва хизматларини ривожлантириш, шунингдек почта ва ахборот хавфсизлигини тaminлаш масалалари бўйича оператор ва провайдерларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

кўрсатилаётган хизматлар сифатини назорат қилади, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, операторлар, провайдерлар ва фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларини қараб чиқади;

кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **9-м о д д а. Универсал хизматлар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида универсал хизматлар миллий оператор томонидан кўрсатилади.

Универсал хизматларни кўрсатиш қоидалари ва уларнинг сифатига бўлган талаблар махсус ваколатли орган томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

### **10-м о д д а. Почта алоқаси хизматлари учун тўлов**

Почта алоқаси хизматлари учун тўлов, оператор ёки провайдер томонидан шартнома асосида белгилаб қўйиладиган тарифлар бўйича аниқланади, универсал хизматлар бундан мустасно.

Универсал хизматлар учун тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланувчи тариф асосида аниқланади.

Ёзма хат-хабар жўнатганлик учун тўлов ёзма хат-хабарга почта тўловининг давлат белгисини тушириш орқали тасдиқланади.

### **11-м о д д а. Ёзишмалар ва почта жўнатмалари сирини**

Ёзишмалар ва почта жўнатмалари сирини сақлаш мақсадида оператор ва провайдерларга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, қўйидагилар тақиқланади:

жўнатувчининг ёки адресатнинг қонуний вакилидан бошқа учинчи шахсга почта жўнатмалари ва фойдаланувчиларнинг манзиллари ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш;

почта жўнатмасини очиш ёки очмасдан унинг жойланмасига доир маълумотларни билиб олиш;

почта жўнатмаларининг жойланмасидан бошқа шахсни хабардор қилиш.

### **12-м о д д а. Оператор ва провайдерларнинг ҳуқуқлари**

Оператор ва провайдерлар қўйидаги ҳуқуқларга эга: фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини ва шартнома асосидаги бошқа хизматларни кўрсатиш;

фойдаланувчи почта қоидаларида белгиланган талабларни бузган тақдирда унга почта алоқаси хизматлари кўрстишни тўхтатиб қўйиш;

халқаро почта алоқаси хизматларини кўрсатганлик учун чет эл мамлакатларининг почта маъмурлари ва операторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни юритиш;

Ўз белгисига эга бўлиш ва ундан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятида фойдаланиш.

Операторлар ва провайдерлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

### **13-м о д д а. Миллий операторнинг мутлоқ ҳуқуқлари**

Миллий оператор қуйидаги мутлоқ ҳуқуқларга эга: почта вагонлари ва почта қутилариغا Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирини тушириш;

бошқа давлатларнинг почта маъмурлари билан почта алоқаси соҳасидаги ўзаро муносабатларда ва халқаро ташкилотларда ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

оддий хатлар ва почта варақчаларини жўнатиш, давлат пенсия ва нафақаларини етказиб бериш (топшириш) бўйича хизматлар кўрсатиш.

### **14-м о д д а. Оператор ва провайдерларнинг мажбуриятлари**

Оператор ва провайдерлар қуйидагиларга мажбурдир:

почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни почта қоидаларига мувофиқ амалга ошириш;

фойдаланувчиларнинг почта алоқаси хизматларидан эркин фойдалана олишини таъминлаш;

почта алоқаси кўрсатаётган хизматлар сифатли бўлишини таъминлаш;

почта жўнатмалари ва пул маблағларининг бутлигини таъминлаш;

почта алоқаси хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган технологик ускуналар, механизациялаштириш, автоматлаштириш ва ахборотлаштириш воситаларига эга бўлиш;

фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шунингдек почта алоқаси хизматлари тарифларининг ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этиш;

почта алоқаси хизматларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун фойдаланувчиларга етказилган зарарларни қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплаш.

Оператор ва провайдерлар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**15-м о д д а. Оператор ва провайдерларнинг ўз мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлиги**

Оператор ва провайдерлар почта алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёхуд лозим даражада бажармаганлик учун фойдаланувчилар олдида қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Оператор ва провайдерларнинг жавобгарлиги почта жўнатмаларини йўқотиш, бузиш (шикастлаш), жойланмаларнинг кам чиқиши, почта жўнатмаларини етказиб бермаслик (топширмаслик) ёки пул маблағларининг почта ўтказмаларини амалга оширишнинг назорат муддатларини бузиш ҳамда почта алоқаси хизматларини кўрсатишнинг белгиланган талаблари бошқача тарзда бузилган ҳолларда юзага келади.

Почта алоқаси хизматларини кўрсатишда фойдаланувчиларга етказилган зарарлар оператор ёки провайдер томонидан қуйидаги миқдорларда тўланади:

почта жўнатмалари: буюртма хат, буюртма почта варақчаси, буюртма бандерол ёки почта жўнатмасини топширганлик тўғрисидаги буюртма хабар қоғози йўқотилган ҳолларда — почта алоқаси хизматларига тўланган сумма миқдорида неустойка; посилка, қимматли бандерол ёки қимматли хат учун — эълон қилинган қийматнинг икки баробари ва почта алоқаси хизмати учун тўланган сумма миқдорида неустойка (эълон қилинган қиймат учун тариф тўлови бундан мустасно);

қимматли почта жўнатмасини жойланма рўйхати билан жўнатганда жойланманинг бир қисми етишмаган ёки бузилган (шикастланган) ҳолларда — жўнатувчи рўйхатда кўрсатган жойланманинг етишмаётган ёки бузилган (шикастланган) қисми эълон қилинган қийматининг икки баробари миқдорида;

қимматли почта жўнатмасини жойланма рўйхатсиз жўнатганда жойланманинг бир қисми йўқолган ёки бузилган (шикастланган) ҳолларда — жойланманинг етишмаётган ёки бузилган (шикастланган) қисмининг юборилган жойланма оғирлигига (почта жўнатмаси устки ўрамини истисно этганда) нисбати билан мутаносиб

тарзда аниқланадиган почта жўнатмаси қиймати эълон қилинган қисмининг икки баробари миқдориди;

адресатга пул маблағларининг почта ёки телеграф ўтказмаси тўланмаганда ёки нотўғри тўланганда, агар ўтказилган пулларни адресатга беришнинг имкони бўлмай, у жўнатувчига ҳам тўланмаган бўлса — ўтказманинг тўланмаган ёки етарлича тўланмаган қисми суммаси миқдориди ҳамда почта алоқаси хизматларига тўланган сумма миқдориди неустойка;

адресатдан устама тўлов миқдорини етарлича олмаган ёки устама тўловни нотўғри тўлаганда — кам олинган ёки нотўғри тўланган устама тўлов суммаси миқдориди;

посилкалар, қимматли хатлар, қимматли бандероллар, шунингдек пул маблағларининг почта ва телеграф ўтказмаларини белгиланган муддатлардан кўпроқ ушлаб қолган ҳолларда — ушланиб қолинган ҳар бир кун учун почта хизматларига тўланган сумманинг бир фоизи миқдориди, лекин ушбу хизматга тўланган суммадан кўп бўлмаган миқдорда неустойка. Зарарлар жўнатувчиларнинг ёки адресатларнинг талабига биноан тўланади;

авиажўнатмаларни (бандерол, посилкаларни) жўнатиш ёки етказиб бериш (топшириш)нинг белгиланган муддатларидан кўпроқ ушлаб қолган ҳолларда — авиа ер усти транспортида жўнатиш ўртасидаги тўлов фарқи миқдориди ва бундан ташқари ер усти транспорти орқали жўнатишнинг белгиланган муддатларидан кўпроқ ушланганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун — ушбу модда иккинчи қисмининг еттинчи хатбошисига мувофиқ;

соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар, авиа ер усти транспорти йўл чипталари солинган қимматли хатларни жўнатиш ёки етказиб бериш (топшириш)нинг белгиланган муддатларидан кечикканлиги туфайли улардан фойдаланиш муддатлари ўтиб кетган ҳолларда — етказилган зарарнинг икки баробари миқдориди, лекин жойланма рўйхатида эълон қилинган қийматнинг икки баробаридан кўп бўлмаган миқдорда ҳамда почта алоқаси хизмати учун тўланган сумма миқдориди неустойка.

Почта жўнатмаларининг йўқолиши, бузилиши (шикастланиши), етказиб берилмагани (топширилмагани) ёки уларнинг жўнатилиши назорат муддатидан кечик-

кани енгиб бўлмас куч ёки почта жўнатмаси жойланмасининг хусусиятлари туфайли содир бўлганлиги исботланса, оператор ва провайдерлар жавобгар бўлмайдилар.

### 16-м о д д а. Фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари

Фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида умумий фойдаланишдаги почта алоқаси хизматларидан фойдаланиш;

Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари почта қоидалари, кўрсатилаётган хизматлар ва уларга доир тарифлар ҳақидаги ахборотлардан эркин фойдалана олиш;

Ўз почта манзили бўйича, йўқлаб олиш тарзида ёки абонентлик почта жавони қутиларидан фойдаланган ҳолда почта жўнатмаларини ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини олиш;

келган почта жўнатмалари ёки пул маблағларининг почта ўтказмаларини олишдан бош тортиш;

қиймати эълон қилинган почта жўнатмаси жойланмасининг баҳосини мустақил равишда белгилаш;

оператор ва провайдерлар томонидан ўз вақтида ҳамда сифатли хизмат кўрсатилиши;

хизмат кўрсатилмаганлиги ёки лозим даражада сифатли хизмат кўрсатилмаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг тўланиши, маънавий зиённинг қоплалишига эришиш;

Ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда ваколатли давлат органларига ёки судга муурожаат қилиш.

Фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

### 17-м о д д а. Фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари

Фойдаланувчилар қуйидагиларга мажбурдир:

почта қоидалари талабларига риоя этиш;

ўзларига кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш;

оператор ва провайдерларнинг иш сифати пасайишига қаратилган хатти-ҳаракатлар қилмаслик.

Фойдаланувчилар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## 18-м о д д а. Даъволарни тақдим этиш тартиби ва муддати

Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда фойдаланувчи оператор ёки провайдерга даъво тақдим этиши, шу жумладан етказилган зарар қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Почта жўнатмасини етказмаганлик (топширмаганлик), ўз вақтида етказмаганлик ёки йўқотганлик (шикастлаганлик) ёхуд ўтказилган пул маблағларини тўламаганлик тўғрисидаги даъволар почта жўнатмаси ёки пул маблағларининг почта ўтказмаси топширилган кундан эътиборан ўн икки ой давомида тақдим этилади.

Даъволар ёзма тарзда баён этилади ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Даъволарга ёзма жавоблар қуйидаги муддатларда берилиши керак:

бир аҳоли пункти доирасида юборилган (ўтказилган) почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмасига доир даъволарга — беш кун давомида;

бошқа барча почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмасига доир даъволарга — бир ой давомида.

Оператор ёки провайдерларга почта жўнатмаси қабул қилинган манзил бўйича ҳам, почта жўнатмаси юборилиши белгиланган манзил бўйича ҳам даъволар тақдим этилиши мумкин.

Халқаро почта жўнатмаларини қидириб топиш бўйича даъволар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларида назарда тутилган тартиб ва муддатларда қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

## 19-м о д д а. Почта алоқасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Почта алоқаси давлат томонидан қуйидаги йўллар билан қўллаб-қувватланиши мумкин:

почта алоқаси ва унинг инфратузилмасини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилиш;

почта алоқасининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техникавий ёрдам бериш;



белгиланган тартибда солиққа доир ва бошқа имтиёзлар бериш.

## 20-м о д д а. Почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта таъмирлаш

Почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта таъмирлаш уларнинг мулкдорлари (эгалари) томонидан ўз маблағлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳамда қонуи ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Шаҳарлар, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли пунктлари, турар жой даҳалари ва мажмуалари, алоҳида бинолар ва иншоотлар лойиҳалаштирилаётган ҳамда ривожлантирилаётганда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгиланган нормативларга мувофиқ почта алоқаси объектларини жойлаштириш учун бинолар қурилишини ёки алоҳида хоналар бўлишини назарда тутишлари керак.

Почта алоқаси объектларини автомобиль ва темир йўл вокзаллари, аэропортлар, бозорлар ва меҳмонхоналарда жойлаштириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Автомобиль, темир йўл вокзаллари, аэропортлар қошида почта алоқаси объектларининг бинолари ва иншоотлари қурилиши учун ер участкалари бевосита уларга яқин жойлардан ажратилиши, шаҳарларда почтамтлар қурилиши учун эса — шаҳарнинг марказий қисмидан, почта алмашинуви учун шароитлар таъминланган ҳолда ажратилиши керак.

Аҳоли пунктлари ва айрим биноларни янгидан қуриш, кенгайтириш, қайта таъмирлаш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш туфайли почта алоқаси объектларини кўчириш (қайта қуриш) буюртмачи томонидан ўз маблағлари ҳисобига, оператор ёки провайдерларнинг техник шартлари бўйича амалга оширилади.

Почта қутилари фойдаланувчилар учун ҳамда хат ва почта варақчаларини олиб кетиш учун қулай бўлган ерларга жойлаштирилиши лозим.

Абонентлик почта жавонлари қурилиш ташкилотлари томонидан кўп қаватли биноларнинг биринчи қаватларига ўрнатилади. Абонентлик почта жавонларини ха-

рид қилиш ва ўрнатиш харажатлари ушбу уйларнинг қурилиш сметаларига киритилади. Абонентлик почта жавонларини соз ҳолда сақлаб туриш таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари томонидан, уйларнинг эгалари ёки мулкдорлари билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Қўп қаватли биноларда жойлашган ташкилотларга почта жўнатмалари шу ташкилотлар томонидан биноларнинг биринчи қаватларига ўрнатилган таянч пунктларининг почта жавонлари орқали етказиб берилади. Жавонларни ўрнатиш ва соз ҳолда сақлаб туриш почта жўнатмаларини олувчилар томонидан амалга оширилади.

### **21-модда. Почта алоқасининг транспорт воситаларидан фойдаланиш**

Оператор ва провайдерлар почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун ўзларига тегишли бўлган транспорт — почта вагонлари, автомобиллардан, шунингдек шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспортдан фойдаланади.

Оператор ва провайдерлар почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланадиган транспорт воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус фарқлаш белгиларига эга бўлиши мумкин.

Оператор ва провайдерларнинг почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланадиган транспорт воситалари уларнинг розилигисиз бошқа ишларни бажариш учун фойдаланилиши ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчи ҳамда юкларни мунтазам ташувчи темир йўл, ҳаво ва автомобиль транспортининг хўжалик юритувчи субъектлари оператор ва провайдерлар билан почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш юзасидан шартномалар тузишни рад этишга ҳақли эмаслар.

Оператор ва провайдерларнинг почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланадиган транспорт воситалари шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва бошқа аҳоли пунктларининг барча кўчалари бўйлаб, автомобиль йўлларида ҳеч қандай чекланишсиз юриш ҳамда автомобиль, темир йўл вокзаллари ва аэропортлар қошида жойлашган почта алоқаси объектларига, юк (багаж) мажмуаларига кириш ҳуқуқига эга.

## 22-м о д д а. Почта жўнатмалари ва пул маблағлари бутлигини таъминлаш

Оператор ва провайдерлар почта жўнатмалари ва пул маблағларининг бутлигини таъминлайдилар.

Операторлар билан провайдерлар ўртасидаги почта жўнатмалари ва пул маблағларини қабул қилиш ва топшириш почта қоидаларида белгиланган тартибда, бериладиган ва қабул қилинадиган почта жўнатмалари ҳамда пул маблағларининг ҳужжатлаштириб қайд этилиши таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Почта жўнатмалари ва пул маблағлари ташиладиган транспорт воситалари белгиланган норма ва қоидаларга мувофиқ жиҳозланган бўлиши керак.

Почта жўнатмаларига ишлов бериладиган ва пул маблағлари сақланадиган бинолар, хоналар зарур асбоб-ускуналар, қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Қимматли почта жўнатмалари суғурталаниши шарт. Қимматли почта жўнатмаларини суғурталаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## 23-м о д д а. Почта алоқаси хизматлари кўрсатишнинг алоҳида шартлари

Почта жўнатмасини ёки ўтказилган пул маблағларини фойдаланувчининг манзилига доир зарур маълумотлар аниқ эмаслиги ёки йўқлиги, адресатнинг кўчиб кетганлиги туфайли етказиш (топшириш) имкони бўлмаса ёки оператор ва провайдерлар почта алоқаси хизматларини кўрсатиш шартномасидаги ўз мажбуриятларини бажара олиш имкониятини истисно этадиган бошқа ҳолатларда улар жўнатувчига почта қоидаларида белгиланган муддатларда қайтарилади. Жўнатувчи қайтарилган почта жўнатмаси ёки қайтарилган маблағларини олишдан бош тортган тақдирда, улар оператор ёки провайдер томонидан вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинади.

Агар фойдаланувчининг манзилига доир зарур маълумотларнинг йўқлиги туфайли етказилмаган (топширилмаган) почта жўнатмалари ёки пул маблағларини жўнатувчига қайтаришнинг ҳам имкони бўлмай қолса, улар оператор ёки провайдер томонидан вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинади.

Тарқатилмай қолган почта жўнатмалари ва талаб қилиб олинмаган пул маблағлари билан ишлаш тартиби почта қоидалари билан белгиланади.

#### 24-м о д д а. **Топширилмай қолган почта жўнатмаларидан фойдаланиш тартиби**

Топширилмай қолган почта жўнатмаларини вақтинчалик сақлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оператор ёки провайдер томонидан олти ой давомида амалга оширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддат ўтганидан сўнг:

пуллар давлат бюджети фойдасига ўтказилади;

қимматли қоғозлар фонд биржаси орқали, қимматбаҳо металллар, бошқа буюмлар савдо тармоқлари орқали сотилади, тушган маблағлар эса оператор ёки провайдерларнинг харажатлари қопланганидан сўнг давлат бюджети фойдасига ўтказилади;

ҳужжатлар (паспорт, диплом, шаходатнома, гувоҳнома ва бошқалар) ким томонидан берилган бўлса, шу корхона, муассаса ва ташкилотларга топширилади;

хатлар тегишли далолатнома тузилиб, йўқ қилиб ташланади.

Олувчисини, жўнатувчисини қидиришнинг иложи бўлмаганда, топширилмай қолган пул маблағларининг почта ўтказмалари почта алоқаси оператори томонидан ўн саккиз ой давомида сақланади, шундан сўнг пул маблағлари маҳаллий бюджет фойдасига ўтказилади.

#### 25-м о д д а. **Умумий фойдаланишдаги почта алоқаси тармоғи орқали почта жўнатмаларини юборишдаги чекловлар**

Умумий фойдаланишдаги почта алоқаси тармоғи орқали почта жўнатмалари юборишда чекловлар белгиланиши мумкин бўлиб, уларнинг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланди.

Оператор ва провайдерлар жўнатилиши тақиқланган жойланмаси бор почта жўнатмаларини ушлаб қолиш, шунингдек жойланмаси бошқа почта жўнатмаларининг бузилиши (шикастланиши)га олиб келувчи, оператор ва провайдерларнинг хизматчилари ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган (бу хавфни

бошқа йўл билан бартараф этиб бўлмайдиган) ҳолларда, почта жўнатмаларини йўқ қилиб ташлаш ёки йўқ қилиб ташлашга рухсат бериш ҳуқуқига эгадир.

Умумий фойдаланишдаги почта алоқаси тармоқлари орқали жўнатиш тақиқланган буюм, ашё ва материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида юборилаётган почта жўнатмаларидан олиб қўйиш, шунингдек уларни йўқ қилиб ташлаш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида фаолият юритадиган юридик шахслардан жойланмаси давлат сирига тааллуқли бўлган маълумотлар ва буюмлар, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, улардан ясалган буюмлар, Ўзбекистон Республикаси пул белгилари, чет эл валютасидан иборат почта жўнатмаларини қабул қилиш, шунингдек уларни ташиш ва етказиб бериш махсус мўлжалланган почта алоқаси корхонаси томонидан амалга оширилади.

#### **26-модда. Фавқулодда ҳолатларда почта алоқаси хизматлари кўрсатиш**

Фавқулодда ҳолатларда (ҳарбий ҳаракатлар, zilзилалар, сув тошқинлари, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқаларда) почта алоқаси хизматлари кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **27-модда. Почта объектларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этиш**

Почта алоқаси объектларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф қилиш уларнинг мулкдорлари (эгалари) томонидан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари почта алоқаси объектларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этишда операторларга кўмаклашадилар.

Почта алоқаси объектларида юридик ва жисмоний шахсларнинг айби билан рўй берган ҳодисалар оқибатида оператор ёки провайдерларга етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

**28-м о д д а. Миллий оператор хизматчисининг формали кийими ва кўкрак нишони**

Миллий оператор хизматчиси ўз хизмат вазифаларини бажариши учун формали кийим ва кўкрак нишони билан таъминланади.

Формали кийим ва кўкрак нишонини тасдиқлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

**29-м о д д а. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишдаги имтиёзлар**

Қонун ҳужжатларида фойдаланувчиларнинг айрим тоифалари учун почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда имтиёзлар белгиланиши мумкин.

Фойдаланувчиларнинг айрим тоифаларига почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда белгиланган имтиёзлар берилиши муносабати билан оператор ёки провайдерларнинг маблағларини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фойдаланувчиларнинг айрим тоифаларига почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда устунликлар белгиланиши мумкин. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда устунликлар бериладиган фойдаланувчилар айрим тоифаларининг рўйхати ҳамда бу хизматларни кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**30-м о д д а. Низоларни ҳал этиш**

Операторлар, провайдерлар ва фойдаланувчилар ўртасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**31-м о д д а. Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

**«ПОЧТА АЛОҚАСИ ТўҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИНИНГ**

**2000 йил 31 август**

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 7—8-сон, 211-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

1. «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

2000 йил 31 август

## Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 7—8-сон, 212-модда)

### 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади радиациявий хавфсизликни, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, шунингдек атроф муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ионлаштирувчи нурланиш** — радиоактив парчаланган ядровий эврилишларда, моддадаги зарядланган зарралар ҳаракатининг секинлашувида ҳосил бўладиган ҳамда муҳит билан ўзаро таъсир этиш чоғида ҳар хил қутбли ионларни ҳосил қиладиган нурланиш;

**ионлаштирувчи нурланиш манбаи** — ўзидан ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи ёки чиқаришга қодир бўлган қурилма ва (ёки) радиоактив модда;

**ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар** — ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олувчи, ишлаб чиқарувчи, ҳосил қилувчи, қайта ишловчи, улардан фойдаланувчи, уларни сақловчи, уларга хизмат кўрсатувчи, уларни ташувчи, зарарсизлантирувчи ва кўмиб ташловчи юридик ва жисмоний шахслар;

**кузатув зонаси** — радиациявий мониторинг ўтказиладиган санитария-муҳофаза зонасидан ташқаридаги ҳудуд;



**радиациявий авария** — ускуна носозлиги, ходимлар (персонал)нинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар туфайли келиб чиққан, фуқароларнинг белгиланган нормалардан кўпроқ нурланиш олишига ёки атроф муҳитнинг радиоактив ифлосланишига олиб келиши мумкин бўлган ёхуд олиб келган ионлаштирувчи нурланиш манбаи устидан бошқарувнинг издан чиқиши;

**радиациявий хавфсизлик** — фуқаролар ва атроф муҳитнинг ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофазаланганлик ҳолати;

**санитария-муҳофаза зонаси** — ионлаштирувчи нурланиш манбаи атрофидаги ҳудуд бўлиб, у ерда фуқароларнинг нурланиш олиш даражаси мазкур манбадан нормал фойдаланиш шароитида аҳоли учун нурланиш дозасининг белгиланган асосий чегарасидан ошиши мумкин;

**табиий радиациявий фон** — космик нурланиш орқали ҳамда ерда, сувда, ҳавода, биосферанинг бошқа элементларида, озик-овқат маҳсулотларида ва инсон организмда табиий равишда тақсимланган табиий радионидларнинг нурланиши орқали ҳосил бўладиган нурланиш дозаси;

**техноген равишда ўзгартирилган радиациявий фон** — инсон фаолияти натижасида ўзгарган табиий радиациявий фон;

**ходимлар (персонал)** — бевосита ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан доимий ёки вақтинча ишлайдиган ёхуд иш шароитларига кўра бундай манбалар таъсир зонасидаги жисмоний шахслар;

**ядровий хавфсизлик** — ядровий материалдан хавфсиз фойдаланишни таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи.

### **3-м о д д а. Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

### **4-м о д д а. Радиациявий хавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари**

Радиациявий хавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

нормалаштириш принципи — ионлаштирувчи нурланиш барча манбаларидан фуқароларнинг нурланиш олиши индивидуал дозасини йўл қўйиладиган, улар соғлиғига хавфсиз бўлган даражадан оширмаслик;

асослаш принципи — инсон ва жамият учун келтирадиган фойдаси агар (табiiй радиациявий фонга қўшимча равишда) етказиши эҳтимол тутилаётган хавфдан ортиқ бўлмаса, ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланишга оид фаолиятнинг барча турларини тақиқлаш;

минималлаштириш принципи — ионлаштирувчи нурланишнинг ҳар қандай манбаидан фойдаланилганда нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини фуқаролар соғлиғига хавфсиз бўлган чегарада ва нурланиш олаётган шахслар сонини мумкин қадар оз даражада бўлишини сақлаб туриш.

### **5-м о д д а. Фуқароларнинг радиациявий хавфсизликни таъминлашдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан нурланиш оқибатида уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарар қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши;

атроф муҳитнинг, фойдаланишдаги ва истеъмолдаги предметларнинг радиациявий ҳолати, радиациявий хавфсизликни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек ўзлари олган нурланиш дозаси тўғрисида тўлиқ ва холис ахборот олиш;

радиациявий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокамасида иштирок этиш.

Фуқаролар қуйидагиларга мажбурдирлар:

радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишга;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, радиациявий хавфсизлик соҳасида тартибга солишни амалга ошираётган давлат органларининг талабларини бажаришга.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролар бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда улар зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **6-модда. Айрим тоифадаги фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси**

Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи фуқаролар ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий ҳимоялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **II. РАДИАЦИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**

### **7-модда. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда у ваколат берган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш қуйидагилардан иборат бўлади:

радиациявий хавфсизликка доир талабларга риоя этилишини давлат томонидан назорат қилиш ва текшириш;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ишлатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш;

қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини, емларни, ичимлик ва техник сувларни, қурилиш материалларини ва улардан тайёрланган буюмларни радиациявий ифлосланиш жиҳатидан сертификатлаш;

барча турдаги қурилиш учун ер участкалари ажратилиши келишиб олинаётганда радиациявий ифлосланишни аниқлаш.

### **8-модда. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назорат**

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат

божхона кўмитаси амалга оширади.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ишлаб чиқариш назоратини ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар амалга оширади.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги жамоат назорати нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар томонидан амалга оширилади.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назоратни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

### **9-м о д д а. Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш объектларининг давлат экспертизаси**

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш объектлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда давлат экологик, радиация-гигиена ва техникавий экспертизасидан ўтказилиши шарт.

### **10-м о д д а. Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ишлатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш**

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ишлатиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойиҳалаштириш, барпо этиш, улар учун технологик асбоб-ускуналарни, радиациядан муҳофазалаш воситаларини яратиш ва тайёрлаш, шунингдек ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, зарарсизлантириш ва кўмиб ташлаш белгиланган тартибда берилган лицензиялар асосида амалга оширилади.

### **11-м о д д а. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида нормалаштириш**

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида нормалаштириш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тасдиқланадиган ҳамда рўйхатга олинадиган радиациявий хавфсизлик санитария нормалари ва қоидаларини, гигиена нормативларини, давлат стандартларини, қурилиш нормалари ва қоидаларини, меҳнат му-

ҳофазаси қоидаларини, радиациявий хавфсизлик бўйича йўриқномага оид, услубий ва бошқа ҳужжатларни жорий этиш йўли билан амалга оширилади.

### **III. РАДИАЦИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ТАЛАБЛАР**

#### **12-модда. Радиациявий хавфсизликнинг таъминланиши**

Радиациявий хавфсизлик қуйидаги йўллар билан таъминланади:

радиациявий хавфсизликни таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланилганда фуқаролар олган нурланишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ягона давлат тизимининг амал қилиши;

радиациявий таъсир туфайли фуқаролар соғлиғига зарар етказилиши хавфи юқори бўлганлиги учун туланадиган товон турлари ва миқдорларини белгилаб қўйиш;

радиациявий авария натижасида фуқаролар соғлиғига ҳамда улар мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият турларини белгилаш;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг экспорт ва импорт қилинишини давлат томонидан тартибга солиш;

тиббий-профилактик тадбирлар ўтказиш;  
радиациявий вазият ҳамда радиациявий хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш;

фуқароларга радиациявий хавфсизлик чора-тадбирларини ўргатиш;

радиациявий авариялар натижасида нурланишга дучор бўлган фуқароларга ёрдам кўрсатиш;

радиоактив ифлосланиш зоналарида фуқароларнинг яшашига доир алоҳида режимларни жорий этиш;

тегишли ҳудудда радиациявий авариялар оқибатларини бартараф этиш;

радиациявий авария юзага келиши хавфи бўлган

тақдирда тезкор чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Радиациявий хавфсизлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирлар орқали ҳам таъминланиши мумкин.

### 13-м о д д а. Радиациявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш

Радиациявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш радиациявий хавфсизликни таъминлаш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш, мазкур тадбирлар самарадорлигини таҳлил этиш чоғида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, радиациявий хавфсизлик соҳасида тартибга солишни амалга оширувчи давлат органлари, шунингдек ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар томонидан олиб борилади.

Радиациявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш қуйидаги асосий кўрсаткичларни ўз ичига олади:

атроф муҳит радиоактив ифлосланишининг тавсифи; радиациявий хавфсизлик тадбирларининг таъминланиши ҳамда радиациявий хавфсизлик нормалари ва қоидалари ҳамда гигиена нормативларининг бажарилиши таҳлили;

радиациявий авариялар эҳтимоли ва уларнинг кўлами;

радиациявий аварияларни ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга тайёргарлик даражаси;

ходимлар (персонал) ва аҳоли ионлаштирувчи нурланиш барча манбаларидан олаётган, олган ва олиш эҳтимоли бўлган нурланиш дозаларининг таҳлили;

нурланиш дозаларининг белгилаб қўйилган асосий чегарасидан юқори бўлган нурланишга дучор бўлган шахслар сони.

### 14-м о д д а. Радиация-гигиена паспорти

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчининг радиация-гигиена паспортига ҳар йили радиация хавфсизлигини баҳолаш натижалари киритиб борилади.

Радиация-гигиена паспортларини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

**15-м о д д а. Табиий радионуклидлар таъсир этиш чоғида радиациявий хавфсизликни таъминлаш**

Ер участкаларини танлаш, бинолар ҳамда иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуриш хоналар ҳавосига табиий радионуклидлар тушишини бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиб олиш, бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш хоналари ҳавосидаги табиий радионуклидларнинг мавжудлик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Радиациявий хавфсизлик нормативларига жавоб бермайдиган қурилиш материаллари ва буюмларидан фойдаланиш тақиқланади.

Турар жой ва ишлаб чиқариш хоналарида аҳоли ва ходимлар (персонал)нинг табиий радионуклидлар оқибатида нурланиш олиши белгилаб қўйилган нормативлардан ошмаслиги керак.

**16-м о д д а. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳамда ичимлик сувидан фойдаланишда радиациявий хавфсизликнинг таъминланиши**

Озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви ҳамда уларни тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш жараёнида уларга ёндош бўладиган материаллар ва буюмлар радиациявий хавфсизликни таъминлаш талабларига жавоб бериши керак.

**17-м о д д а. Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчининг радиациявий хавфсизликни таъминлаш борасидаги мажбуриятлари**

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчи қуйидагиларга мажбурдир:

радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишга;

радиациявий хавфсизликни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга;

ионлаштирувчи нурланиш манбалари бўлмиш маҳсулотлар, материаллар ва моддалар, технологик жараёнларнинг радиациявий хавфсизлигини асослаш ва баҳолаш ишларини олиб боришга;

иш жойларида, хоналарда, ишлаб чиқариш ҳудудларида, санитария-муҳофаза зоналарида ва кузатув зоналарида радиация вазияти устидан, шунингдек ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг чиқарилиши, ташланиши устидан ва кўмиб ташланган жойларида ишлаб чиқариш назоратини амалга оширишга;

ходимлар (персонал) нурланиш олганлигининг индивидуал дозалари назоратини ва ҳисобини олиб боришга;

ишлаб чиқариш раҳбарларини, ходимлар (персонал)ни, ишлаб чиқариш назорати хизмати мутахассисларини тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва аттестациядан ўтказишга;

ходимлар (персонал)ни уларнинг иш жойларидаги ионлаштирувчи нурланиш даражалари хусусида ҳамда улар олган нурланишнинг индивидуал дозалари тўғрисида мунтазам хабардор қилиб боришга;

ходимлар (персонал) тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкил этиб туришга;

ишлатилмаётган ионлаштирувчи нурланиш манбаларини кўмиб ташлашни таъминлашга;

радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида тартибга солишни амалга оширувчи давлат органларининг талабларини бажаришга.

#### **18-модда. Нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш**

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланишда, тиббий рентгенорадиологик муолажалар ўтказилганда фуқаролар олган, шунингдек табиий радиациявий фон ва техноген равишда ўзгарган радиациявий фон сабабли юзага келган нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйган тартибда яратиладиган нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ягона давлат тизими доирасида амалга оширилади.



## 19-м о д д а. Тиббий рентгенорадиологик муолажалар ўтказилганда фуқароларнинг радиациявий хавфсизлигини таъминлаш

Тиббий рентгенорадиологик муолажалар ўтказилганда фуқароларнинг оладиган нурланиш дозалари радиациявий хавфсизликнинг белгилаб қўйилган нормаларига мувофиқ бўлиши керак.

Тиббий рентгенорадиологик муолажалар ўтказилганда фуқароларни муҳофаза қилиш воситаларидан фойдаланиш лозим.

Фуқаро талаби билан унга тиббий рентгенорадиологик муолажалар ўтказилганда олиниши кутилаётган ёки у олаётган нурланиш дозаси тўғрисида ва бунинг эҳтимол тутилган оқибатлари хусусида ахборот берилади.

Фуқаро тиббий рентгенорадиологик муолажалардан воз кечиш ҳуқуқига эга, эпидемиологик жиҳатдан хавфли касалликларни аниқлаш мақсадида ўтказилаётган профилактик тадқиқотлар бундан мустасно.

## 20-м о д д а. Санитария-муҳофаза ва кузатув зоналари

Фуқаролар ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланилаётган объектлар жойлашган ерда санитария-муҳофаза ва кузатув зоналари белгилаб қўйилади.

Санитария-муҳофаза зоналарининг ўлчамлари ва чегаралари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан белгиланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилади.

Санитария-муҳофаза зонасида одамларнинг доимий ва вақтинча яшаши, шунингдек ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш объектларининг ва бошқа объектларнинг жойлаштирилиши тақиқланади.

Санитария-муҳофаза зонасида жойлашган мавжуд объектлар ва иншоотлардан, уларнинг йўналиши ўзгарган тақдирда, хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рухсати билан йўл қўйилади.

Кузатув зонаси, унинг ўлчамлари ва чегаралари ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар томонидан белгиланади ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида тартибга солишни амалга оширувчи давлат органлари билан келишилади.

Кузатув зонасида қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик фаолиятига доир чекловлар жорий этилиши мумкин.

Кузатув зонасида ва санитария-муҳофаза зонасида радиациявий аварияни бартараф этиш чора-тадбирлари амал қилиши татбиқ этилади.

Санитария-муҳофаза зонаси ҳамда зонасини белгилаб қўйиш оқибатида етказилган зарарлар ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

#### **21-модда. Радиоактив чиқиндиларни сақлаш ёки кўмиб ташлаш**

Радиоактив чиқиндиларни сақлашда ёки кўмиб ташлашда уларнинг атроф муҳитдан ажратиб қўйилиши таъминланган бўлиши керак.

Радиоактив чиқиндиларни йиғиш ва кўмиб ташлашни ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

#### **22-модда. Радиоактив ва ядровий материалларнинг сақланишини таъминлаш**

Радиоактив ва ядровий материалларнинг сақланишини таъминлаш уларни ишлатишнинг барча турларида мажбурийдир.

Радиоактив ва ядровий материалларнинг сақланиши ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар томонидан таъминланади.

Радиоактив ва ядровий материалларнинг сақланишини таъминлаш техник ва ташкилий чоралар мажмуини режалаштириш ҳамда амалга ошириш ягона тизимини назарда тутаяди, бу тизим қўйидагиларга йўналтирилган бўлади:

радиоактив ва ядровий материаллар жойлашган ҳудудга руҳсатсиз киришнинг, шунингдек уларнинг талон-торож қилиниши ёки шикастланишининг олдини олиш; йўқолган ёки ўғирланган радиоактив ва ядровий материалларни топиш ва қайтариш.

Радиоактив ва ядровий материалларнинг сақланишини таъминлаш устидан назоратни Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги амалга оширади.

Радиоактив, ва ядровий материалларнинг сақланишини таъминлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

#### **IV. РАДИАЦИЯВИЙ АВАРИЯ СОДИР БУЛГАНДА РАДИАЦИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ**

##### **23-м о д д а. Фуқаролар ва атроф муҳитни радиациявий авариялардан муҳофаза қилиш**

Радиациявий авариялар юзага келиши эҳтимоли мавжуд ташкилотлар қўйидагиларга эга бўлиши шарт:

потенциал радиациявий авария вазиятларининг (улар оқибатлари тахмини ҳамда радиациявий ҳолати тахмини кўрсатилган) рўйхатига;

радиациявий авария юзага келганда қарорлар қабул қилиш мезонларига;

фуқаролар ва атроф муҳитни радиациявий авария ва унинг оқибатларидан муҳофаза қилиш тадбирларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида тартибга солишни амалга оширувчи давлат органлари билан келишилган режасига;

радиациявий авариядан хабардор қилиш ва радиациявий авария оқибатларининг тугатилишини таъминлаш воситаларига;

радиациядан зарарланишнинг олдини олиш тиббий воситалари ва радиациявий аварияда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш воситаларига;

ходимлар (персонал) жумласидан тузиладиган авария-қутқарув бўлинмаларига.

##### **24-м о д д а. Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчининг радиациявий авария содир бўлган пайтдаги мажбуриятлари**

Радиациявий авария содир бўлган тақдирда ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчи қўйидагиларга мажбурдир:

ходимлар (персонал)ни ва аҳолини радиациявий авариядан ҳамда унинг оқибатларидан муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилишини таъминлашга;

радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида тартибга солишни амалга оширувчи давлат органларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилишга;

жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришга;

радиоактив ифлосланиш ўчоғи доирасини камайтиришга ва атроф муҳитга радиоактив моддалар тарқалишини бартараф этишга;

радиациявий авариянинг кечишини ва радиациявий авария вақтидаги радиациявий вазият ўзгаришларини таҳлил қилишга ҳамда уларнинг тахминий чизгиларини тайёрлаб қўйишга;

радиациявий авария тугатилганидан кейин радиациявий вазиятни нормаллаштириш чораларини кўришга.

## **25-модда. Радиациявий авария оқибатларини тугатишга жалб этиладиган фуқаролар юқори нурланиш олишининг режалаштирилиши**

Радиациявий авария оқибатларини тугатиш, аварияқутқарув ишлари ҳамда дезактивация ўтказишга жалб этиладиган фуқаролар юқори нурланиш олишининг режалаштирилиши фақат одамларни қутқариш ва уларнинг янада кўпроқ нурланиш олишининг олдини олиш заруратидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Радиациявий авария оқибатларини тугатишга жалб этиладиган фуқароларнинг нурланиш олиши белгилаб қўйилган гигиена нормативларидан ошмаслиги керак.

Радиациявий авариялар оқибатларини тугатишга жалб этиладиган фуқаролар юқори нурланиш олишининг режалаштирилишига уларнинг ихтиёрий розилиги бўлган ҳамда эҳтимол тугатилган нурланиш дозалари ва соғлиқ учун зарари тўғрисида олдиндан хабардор қилинган ҳолда уларнинг ҳаёти мобайнида бир марта йўл қўйилади.

Мазкур ишларни бажариш учун жалб этиладиган шахсларга хавф юқори бўлганлиги учун тўланадиган товон ҳамда радиация таъсирида соғлиғига етказилган

зарарни қоплаш турлари ва миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

#### **V. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

##### **26-м о д д а. Халқаро шартномалар**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### **27-м о д д а. Низоларни ҳал этиш**

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

##### **28-м о д д а. Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

**«РАДИАЦИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА  
ҚИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

**2000 йил 31 август**

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 7—8-сон, 213-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

1. «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

**ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

**2000 йил 31 август**

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 7—8-сон, 215-модда)**

**І. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланиш соҳаси**

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига психиатрия ёрдами кўрсатишда татбиқ этилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида психиатрия ёрдами кўрсатишга ихтисослашган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларига психиатрия ёрдами кўрсатилишида ушбу Қонунда белгиланган барча ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда фойдаланадилар.

#### 4-м о д д а. Психиатрия ёрдами ҳамда уни кўрсатиш принциплари

Психиатрия ёрдами руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг руҳий соғлиғини ушбу Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган асослар бўйича ва тартибда текширувдан ўтказишни, уларни профилактика қилишни, уларга ташхис қўйиш, уларни даволаш, парваришlash ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклашни ўз ичига олади.

Руҳий ҳолати бузилган шахсларга психиатрия ёрдами кўрсатиш давлат томонидан кафолатланади ва қонунийлик, раҳм-шафқат, инсонпарварлик ҳамда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш принциплари асосида амалга оширилади.

#### 5-м о д д а. Психиатрия ёрдами кўрсатиш ва ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари

Давлат томонидан қуйидагилар кафолатланади:  
шошилиш психиатрия ёрдами;

касалхонадан ташқарида ва стационар шароитларда маслаҳат бериш-ташхис қўйиш, даволаш, психопрофилактика, тиклаш ёрдами;

барча турдаги психиатрия экспертизаси, вақтинча меҳнатга қобилиятсизликни аниқлаш;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни ишга жойлаштиришда ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш;

васийлик ва ҳомийлик масалаларини ҳал қилиш;

психиатрия муассасаларида ҳуқуқий масалалар юзасидан маслаҳатлар бериш ва юридик ёрдамнинг бошқа турлари;

руҳий ҳолати бузилган ногиронларни ва қарияларни ижтимоий-маиший жойлаштириш, шунингдек уларни парваришlash;

руҳий ҳолати бузилган ногиронлар ва вояга етмаганларни ўқитиш;

фавқулодда вазиятлар пайтида психиатрия ёрдами.

Руҳий ҳолати бузилган шахсларни психиатрия ёрдами билан таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун давлат:

касалхонадан ташқарида ва стационарда психиатрия ёрдами кўрсатувчи барча турдаги муассасаларни барпо этади;



руҳий ҳолати бузилган вояга етмаганларнинг умумий таълим ва касб-ҳунар таълими олишини ташкил этади;  
руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг, шу жумладан ногиронларнинг меҳнат терапияси учун даволаш-ишлаб чиқариш корхоналари, шу корхоналарда уларни янги касбларга ўқитиш ва ишга жойлаштириш, шунингдек бундай шахслар учун меҳнат шароитлари енгиллаштирилган махсус ишлаб чиқаришлар, цехлар ёки участкаларни барпо этади;

руҳий ҳолати бузилган ногирон шахсларни ишга жойлаштириш учун турли ихтисослашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда иш ўринларининг мажбурий квоталарини белгилайди;

руҳий ҳолати бузилган ногирон шахсларга иш ўринларини берувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун иқтисодий рағбатлантириш усулларини қўллайди;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўради.

#### **6-м о д д а. Психиатрия ёрдами сўраб мурожаат этишнинг ихтиёрийлиги**

Психиатрия ёрдами шахс ихтиёрий равишда мурожаат этган тақдирда ёки унинг розилиги билан кўрсатилади, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ун тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахсга, шунингдек қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга психиатрия ёрдами уларнинг қонуний вакиллари илтимосига биноан ёки розилиги билан ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда кўрсатилади.

#### **7-м о д д а. Руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари**

Руҳий ҳолати бузилган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган фуқароларнинг барча ҳуқуқлари ва эркинликларига эгадирлар.

Руҳий ҳолати бузилган шахслар ўзларига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

Ўзларига нисбатан инсон қадр-қиммати камситилишини истисно этадиган мурувватли ва инсоний муомила қилиниши;

Ўз ҳуқуқлари ҳақида, шунингдек руҳий ҳолатининг хусусияти ҳамда қўлланилаётган даволаш усуллари ҳақида ўзлари учун тушунарли шаклда ва ўз руҳий ҳолатлари ҳисобга олинган ҳолда маълумот олиш;

бундай ёрдамни энг кам чекловли шароитларда, имкони борича турар жойида олиш;

тиббий заруратга кўра даволашнинг барча турларидан фойдаланиш (шу жумладан санаторий-курортда даволаниш);

бундай ёрдам санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда кўрсатилиши;

тиббий восита ва усуллари синаш, илмий тадқиқотлар ёки ўқув жараёни объекти тариқасида фойдаланишга, фото, видео ёки киносуратга олинишга олдиндан розилик бериш ва исталган босқичда ундан воз кечиш;

ўзларининг талабларига биноан исталган мутахассисни ушбу Қонун билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан тиббий комиссияда ишлаш учун таклиф этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адвокат, қонуний вакил ёки бошқа шахснинг ёрдамини олиш.

Руҳий ҳолати бузилган шахслар ўзларига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини (фақат психиатрия ташхисига, диспансер кузатувида, психиатрия стационарида ёхуд ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасасида бўлганига асосланиб ва ҳоказо) чеклашга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳуқуқ бузилишларда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

**8-модда. Қасб билан боғлиқ фаолиятнинг ва ўта хавфли манба билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини бажаришдаги чеклашлар**

Фуқаро руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли қасб билан боғлиқ фаолиятнинг ва ўта хавфли манба билан

боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини бажаришга вақтинча (беш йилдан ошмаган муддатга ва кейин қайта текширувдан ўтиш ҳуқуқи билан) яроқсиз деб топилиши мумкин. Бундай қарор соғлиқни сақлаш органи ваколат берган тиббий комиссия томонидан, фуқаронинг руҳий соғлиғи ҳолатини тиббий психиатрия монеликлари рўйхатига мувофиқ баҳолаш асосида қабул қилинади ва унинг устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Қасб билан боғлиқ фаолиятнинг ва ўта хавfli манба билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун тиббий монеликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда тўпланган тажриба ва илмий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда вақти-вақти билан (беш йилда камида бир марта) қайта кўриб чиқилади.

### **9-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатилаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш**

Фуқаро ўзига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи хоҳлаган вакилни таклиф этишга ҳақли. Вакилликни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ун тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахс ва қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга психиатрия ёрдами кўрсатилишида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини оналари, фарзандликка олувчилари ёки бошқа қонуний вакиллари, улар бўлмаган ҳолларда эса — ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасаси маъмурияти ҳимоя қиладилар.

Фуқарога психиатрия ёрдами кўрсатилишида унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини адвокат ҳимоя қилиши мумкин. Адвокатни таклиф этиш ва унинг хизматига ҳақ тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Психиатрия ёрдамини кўрсатаётган муассаса маъмурияти адвокат таклиф этиш имкониятини таъминлайди, ушбу Қонун 21-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида ва 27-моддасининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**10-м о д д а. Руҳий соғлиқ ҳолати тўғрисидаги маълумотларни талаб қилишнинг тақиқланиши**

Фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланаётганида унинг руҳий соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишни ёки унинг шифокор психиатр текширувидан ўтишини талаб қилиш тақиқланади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

**11-м о д д а. Психиатрия ёрдами кўрсатишда шифокор сирини сақлаш**

Фуқарода руҳий ҳолатнинг бузилиши борлиги, у психиатрия ёрдами учун мурожаат этганлиги ва шундай ёрдам кўрсатадиган муассасада даволангани ҳақидаги маълумотлар, шунингдек руҳий соғлиғи ҳолати тўғрисидаги бошқа маълумотлар қонун билан кўриқланадиган шифокор сирини ҳисобланади. Руҳий ҳолати бузилган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш учун унинг илтимосига ёки унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан уларга мазкур шахснинг руҳий соғлиғи ҳолати тўғрисида ва унга кўрсатилган психиатрия ёрдами тўғрисида тушунарли шаклда ва беморнинг руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда маълумотлар тақдим этилиши мумкин.

**12-м о д д а. Руҳий ҳолати бузилган шахсларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш**

Руҳий ҳолатнинг бузилганлик ташхиси умум эътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда таснифларга мувофиқ қўйилади ва фуқаронинг жамиятда қабул қилинган ахлоқий, маданий, сиёсий ва диний қадриятларга қўшилмаслигига ёхуд унинг руҳий соғлиғи ҳолатига бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга асосланиши мумкин эмас.

Руҳий ҳолати бузилган шахсга ташхис қўйиш ва уни даволаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда руҳсат этилган тиббий воситалар ва усуллар қўлланилади.

Тиббий воситалар ва усуллар хасталик хусусиятига мувофиқ фақат ташхис қўйиш ва даволаш мақсадлари-

да қўлланилади ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланил-маслиги лозим.

### 13-м о д д а. Даволанишга розилик бериш

Руҳий ҳолати бузилган шахсни даволаш унинг ёзма розилиги олинганидан кейин ўтказилади, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шифокор руҳий ҳолати бузилган шахсга руҳий ҳолатининг хусусияти, тавсия этилаётган даволашнинг мақсадлари, усуллари, шу жумладан муқобил усуллари ва давом этиш муддати ҳақида, шунингдек эҳтимол тутилган хавф, салбий таъсирлар ва кутилаётган натижалар тўғрисида тушунарли шаклда ва унинг руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда маълумотлар тақдим этиши шарт. Маълумот тақдим этилгани тўғрисида тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйилади.

Ун тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахсни, шунингдек қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсни даволаш учун розилик уларнинг қонуний вакиллари томонидан, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар уларга маълум қилинганидан кейин, берилади.

Фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилаётганда, шунингдек ушбу Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ғайририхтиёрий тартибда стационарга ётқизилаётганда даволаш чоралари руҳий ҳолати бузилган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ўтказилиши мумкин. Бундай шахсларга нисбатан руҳий ҳолат бузилишларини даволаш учун жарроҳлик усулларини ҳамда асл ҳолига қайтариб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқарадиган бошқа усулларни қўлланишга, шунингдек уларда тиббий воситалар ва усулларнинг синовларини ўтказишга йўл қўйилмайди.

### 14-м о д д а. Даволанишни рад қилиш

Руҳий ҳолати бузилган шахс ёки унинг қонуний вакили таклиф этилаётган даволанишни рад қилиш ёки уни тўхтатиш ҳуқуқига эга, ушбу Қонун 13-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Даволанишни рад этаётган шахсга ёки унинг қонуний вакилига даволанишни тўхтатиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириш лозим. Даволанишни рад этиш олиб келиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар тиббий ҳужжатда кўрсатилган ҳолда ёзиб қўйилиши ва даволанишни рад этаётган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг, шунингдек шифокор психиатрнинг имзо қўйиши орқали расмийлаштирилади.

### 15-м о д д а. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари

Руҳий ҳолати бузилган, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қонун ҳужжатларида белгиланган асослар бўйича ва тартибда суднинг қарорига биноан қўлланилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари соғлиқни сақлаш органларининг психиатрия муассасаларида, алкоголизм, гиёвандлик ёки токсикоманияга дучор бўлган ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан эса — жазони ижро этиш муассасаларида ҳам амалга оширилади. Суднинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиш тўғрисидаги қарорига биноан психиатрия стационарига жойлаштирилган шахслар психиатрия стационарида бўладиган бутун даврда меҳнатга лаёқатсиз деб топиладилар ва, шифокор психиатр ҳузурида амбулатория мажбурий кузатувида ва даволанишида турган шахслар сингари, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа олиш ёки умумий асосларда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

## II. ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТУВЧИ ШАХСЛАР

### 16-м о д д а. Психиатрия ёрдами кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи

Психиатрия ёрдами кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига олий махсус тиббий маълумотга эга бўлган шахслар эгадирлар.

Психиатрия ёрдами кўрсатишда қатнашувчи тиббий психолог, бошқа мутахассислар ва тиббий ходимлар руҳий ҳолати бузилган шахслар билан ишлашга ижо-

зат олиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус тайёргарликдан ўтишлари керак.

Психиатрия ёрдами кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга лицензиялар бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Психиатрия ёрдами кўрсатишга ихтисослашган юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган психиатрия ёрдами турлари устав ҳужжатларида ёки лицензия талаблари ва шартларида кўрсатилади. Улар тўғрисидаги ахборот ҳамма учун очиқ бўлиши керак.

### **17-модда. Тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг психиатрия ёрдами кўрсатаётган пайтдаги касбий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Шифокор психиатр, бошқа мутахассислар ва тиббиёт ходимларининг психиатрия ёрдами кўрсатаётган пайтдаги касбий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Руҳий хасталик ташхисини белгилаш, файриихтиёрий тартибда психиатрия ёрдами кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки бу масалани кўриб чиқиш учун хулоса бериш шифокор психиатр ёки шифокор психиатрлар комиссиясининг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади.

Бошқа ихтисосликдаги шифокорнинг шахснинг руҳий соғлиғи ҳолати тўғрисидаги хулосаси бирламчи хусусиятга эга бўлади ҳамда шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун, шунингдек руҳий ҳолати бузилган шахслар учун қонунда назарда тутилган имтиёзларни унга бериш учун асос бўлмайди.

### **18-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатиш пайтида шифокор психиатрнинг мустақиллиги**

Психиатрия ёрдами кўрсатиш пайтида шифокор психиатр ўзи мустақил қарорларга келади ва фақат шифокорлик бурчига ҳамда қонунга амал қилади.

Тиббий комиссия қарорига ўз фикри мос келмаган шифокор психиатр ўз хулосасини беришга ҳақли бўлиб, у тиббий ҳужжатларга қўшиб қўйилади.

19-м о д д а. Психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этувчи шифокор психиатрларга, бошқа мутахассисларга, тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларга кафолатлар ва имтиёзлар

Психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этувчи шифокор психиатрлар, бошқа мутахассислар, тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар алоҳида меҳнат шароитидаги фаолият билан шуғулланувчи шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзларни олиш ҳуқуқи-га эгадирлар, шунингдек улар хизмат вазифаларини бажариш пайтида соғлиғига зарар етказилиши ёки вафот этиши ҳолларидан давлат томонидан мажбурий суғурталанишлари керак.

Психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этувчи шахснинг соғлиғига зарар етказилиб, бу ҳол унинг меҳнат қобилияти вақтинча йўқотилишига олиб келган тақдирда, шунингдек ногиронлик юз берганда унга, у вафот этган тақдирда эса — унинг боқимандаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарар қопланади.

### III. ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИ ТУРЛАРИ ВА УНИ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

20-м о д д а. Психиатрия текширувидан ўтказиш

Руҳий ҳолати бузилганлигини, психиатрия ёрдами зарурлигини аниқлаш, шунингдек бундай ёрдам тури ҳақидаги масалани ҳал этиш учун шахс психиатрия текширувидан ўтказилади.

Психиатрия текшируви, шунингдек профилактика кўриклари: текширилувчининг илтимосига кўра ёки унинг розилиги билан; ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахсга нисбатан — унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилининг илтимосига кўра ёки розилиги билан; қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга нисбатан — унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан ёки розилиги билан ўтказилади. Ота-онадан бири эътироз билдирса ёхуд ота-онаси ёки бошқа қонуний вакили бўлмаса, вояга етмаган шахс васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига биноан текширувдан ўтказилади, бундай қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.



Психиатрия текширувини ўтказаетган шифокор текширилувчига ва унинг қонуний вакилига ўзини психиатр деб таништириши шарт, ушбу Қонун 21-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**21-модда. Шахсни ўзининг розилигисиз ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказиш**

Шахс мавжуд маълумотларга кўра ўзида оғир руҳий ҳолатнинг бузилиши бор деб тахмин қилиш учун асос берувчи ҳаракатларни содир этса, у ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказилиши мумкин бўлиб, бу қўйидагилар билан боғлиқдир:

унинг ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф туғдириши;

унинг ночорлиги, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда қондиришга лаёқатсизлиги;

агар шахс психиатрия ёрдамисиз қолдирилгудек бўлса, руҳий ҳолати ёмонлашуви оқибатида унинг соғлиғига жиддий зарар етказилиши.

Агар шахс ушбу Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича диспансер кузатуви остида бўлса, у ўзининг ёки қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказилиши мумкин.

Психиатрия текшируви маълумотлари ва текширилувчининг руҳий соғлиғи ҳолати тўғрисидаги хулоса тиббий ҳужжатларда қайд этилиб, унда шифокор психиатрга мурожаат этиш сабаблари ва тиббий тавсиялар ҳам кўрсатилади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда шахсни ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказиш тўғрисидаги қарор шифокор психиатр томонидан мустақил равишда ёки суд ажримига кўра қабул қилинади.

**22-м о д д а. Шахсни ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказиш тўғрисида ариза бериш ва қарор қабул қилиш тартиби**

Шахсни ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказиш тўғрисидаги қарор, ушбу Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, шундай текширув учун ушбу Қонуннинг 21-моддаси биринчи қисмида санаб ўтилган асослар мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган аризага биноан шифокор психиатр томонидан қабул қилинади. Ариза психиатрия текширувидан ўтказилиши лозим бўлган шахснинг қариндошлари, ҳар қандай ихтисосликдаги шифокор томонидан берилиши мумкин.

Шахс ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф туғдирган кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ариза оғзаки бўлиши мумкин. Психиатрия текшируви ўтказиш тўғрисидаги қарор шифокор психиатр томонидан дарҳол қабул қилинади ва тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйиш орқали расмийлаштирилади.

Шахс ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф туғдирмаса, психиатрия текшируви ўтказиш тўғрисидаги ариза ёзма равишда бўлиши, шундай текширувнинг зарурлигини асословчи батафсил маълумотларни ўз ичига олган бўлиши ва шахс ёки унинг қонуний вакили шифокор психиатрга мурожаат этишни рад этганлиги кўрсатиб ўтилиши лозим. Шифокор психиатр қарор қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни талаб қилиб олишга ҳақли. Агар аризада ушбу Қонун 21-моддаси биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар мавжудлигидан далолат берувчи маълумотлар бўлмаса, шифокор психиатр психиатрия текшируви ўтказишни ёзма равишда асослантириб рад этади.

**23-м о д д а. Амбулатория психиатрия ёрдами турлари**

Руҳий ҳолати бузилган шахсга амбулатория психиатрия ёрдами тиббий кўрсатувларга қараб маслаҳат бериш-даволаш муолажаси ёки диспансер кузатувчи тарзида кўрсатилади.

## 24-модда. Маслаҳат бериш-даволаш муолажаси

Маслаҳат бериш-даволаш муолажаси шифокор психиатр томонидан руҳий ҳолати бузилган шахснинг илтимосига кўра ёки розилиги билан, ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахсга эса — ота-онасининг ёхуд бошқа қонуний вакилининг илтимосига кўра ёки розилиги билан кўрсатилади.

## 25-модда. Диспансер кузатуви

Диспансер кузатуви оғир барқарор ёки тез-тез зўрайиб турувчи дардчиллик кўринишлари бўлган сурункали ва узоқ чўзиладиган руҳий ҳолатнинг бузилишига чалинган шахснинг, шунингдек унинг қонуний вакилининг розилигидан қатъи назар ўрнатилиши мумкин.

Диспансер кузатувини ўрнатиш зарурлиги ва уни тўхтатиш тўғрисидаги масалага доир қарор амбулатория психиатрия ёрдами кўрсатаётган психиатрия муассасасининг маъмурияти тайинлайдиган шифокор психиатрлар комиссияси ёки соғлиқни сақлаш органи тайинлайдиган шифокор психиатрлар комиссияси томонидан қабул қилинади. Агар даволаш-профилактика муассасаси хизмат кўрсатадиган ҳудудда психиатрия ёрдами битта шифокор психиатр томонидан кўрсатилса, бундай қарорни у мустақил равишда уч ойдан ошмаган муддатга қабул қилади. Шу муддат ичида масала шифокор психиатрлар комиссияси томонидан кўриб чиқилиши керак.

Шифокор психиатрлар комиссиясининг асослантирилган қарори тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйилган ҳолда расмийлаштирилади. Диспансер кузатувини ўрнатиш ёки тўхтатиш тўғрисидаги қарор устидан ушбу Қонуннинг 42-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят қилиш мумкин.

Диспансер кузатуви шахс соғайиб кетганда ёки унинг руҳий ҳолати анча ва барқарор яхшиланганда тўхтатилади. Диспансер кузатуви тўхтатилганидан кейин амбулатория психиатрия ёрдами шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг илтимосига кўра ёки розилиги билан маслаҳат бериш-даволаш муолажаси тарзида кўрсатилади. Руҳий ҳолати ўзгарган тақдирда, руҳий ҳолати бузилган шахс ўзининг ёки қонуний вакилининг розилигисиз ушбу Қонуннинг 21 ва 22-моддаларида на-

зарда тутилган асослар бўйича ва тартибда текширувдан ўтказилиши мумкин. Диспансер кузатуви, бундай ҳолларда, шифокор психиатрлар комиссиясининг қарорига биноан тикланиши мумкин.

### **26-м о д д а. Психиатрия стационарига ётқизиш учун асослар**

Шахсда руҳий ҳолатнинг бузилиши борлиги ва стационар шароитида текширувдан ўтказиш ёки даволаш тўғрисидаги шифокор психиатрнинг қарори ёхуд суднинг қарори психиатрия стационарига ётқизиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда психиатрия экспертизасини ўтказиш зарурати ҳам психиатрия стационарига жойлаштириш учун асос бўлиши мумкин.

Шахсни психиатрия стационарига жойлаштириш, ушбу Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, ихтиёрий тартибда унинг илтимосига биноан ёки розилиги билан амалга оширилади.

Ун тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахс унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилининг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига жойлаштирилади. Ота-онадан бири эътироз билдирса ёхуд ота-онаси ёки бошқа қонуний вакили бўлмаса, вояга етмаган шахсни психиатрия стационарига жойлаштириш васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига биноан амалга оширилади, бу қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига ётқизилади.

Стационарга ётқизишга розилик тиббий ҳужжатларга ёзиш орқали ва шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг, шунингдек шифокор психиатрнинг имзоси қўйилиб расмийлаштирилади.

### **27-м о д д а. Психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш учун асослар**

Агар руҳий ҳолати бузилган шахсни фақат стационар шароитида текширувдан ўтказиш ёки даволаш мум-

кин бўлса, руҳий ҳолатнинг бузилиши эса оғир ва қуйидагилар билан боғлиқ бўлса, бу шахс ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз суд қарори чиқарилмасиданоқ стационарга ётқизилиши мумкин:

унинг ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф туғдириши;

унинг ночорлиги, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда қондиришга лаёқатсизлиги;

агар шахс психиатрия ёрдамисиз қолдирилгудек бўлса, руҳий ҳолати ёмонлашуви оқибатида унинг соғлиғига жиддий зарар етказилиши.

**28-м о д д а. Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига жойлаштирилган шахсларни текширувдан ўтказиш**

Ушбу Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган асослар бўйича психиатрия стационарига жойлаштирилган шахс психиатрия муассасасининг шифокор психиатрлар комиссияси томонидан 48 соатдан ошмаган муддатда мажбурий текширувдан ўтказилиши лозим бўлиб, комиссия стационарга ётқизилганлик қай даражада асослилиги тўғрисида қарор қабул қилади. Ётқизиш асоссиз деб топилган ва ётқизилган шахс психиатрия стационарида қолиш истагини билдирмаган ҳолларда, у дарҳол стационардан чиқарилиши керак.

Агар ётқизиш асосли деб топилса, шифокор психиатрлар комиссиясининг хулосаси шахснинг у ерда бундан буён бўлиши тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун 24 соат ичида психиатрия муассасаси жойлашган ердаги судга юборилади.

**29-м о д д а. Ғайриихтиёрий тартибда стационарга ётқизиш тўғрисидаги масала юзасидан судга мурожаат этиш**

Ушбу Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган асослар бўйича шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги масала психиатрия муассасаси жойлашган ердаги судга ҳал қилинади.

Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ариза судга шахс ётган психиатрия муассасаси томонидан берилади.

Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш учун қонунда назарда тутилган асослар кўрсатилиши лозим бўлган аризага шифокор психиатрлар комиссиясининг шахснинг психиатрия стационарида бундан буён бўлиши зарурлиги тўғрисидаги асослантирилган хулосаси илова қилинади.

Суд аризани қабул қилиш билан бир пайтда аризани судда кўриб чиқиш учун зарур бўлган муддатда шахснинг психиатрия стационарида бўлиб туриши масаласини ҳал этади.

Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ариза суд томонидан қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

### **30-м о д д а. Ғайриихтиёрий тартибда стационарга ётқизиш тўғрисидаги ариза юзасидан суд қарори**

Суднинг аризани қаноатлантириш тўғрисидаги қарори шахсни психиатрия стационарига ётқизиш ва бундан буён сақлаб туриш учун асос ҳисобланади.

Суд қарори устидан психиатрия стационарига жойлаштирилган шахс, унинг қонуний вакили, психиатрия муассасаси раҳбари ёки прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиши мумкин.

### **31-м о д д а. Ғайриихтиёрий тартибда стационарда ётишни узайтириш**

Шахснинг ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарида бўлиши стационарда ётишни узайтиришга сабаб бўлган асослар сақланиб турган вақт мобайнидагина давом этади.

Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига жойлаштирилган шахс дастлабки олти ой мобайнида ҳар ойда камида бир марта психиатрия муассасасининг шифокор психиатрлари комиссияси томонидан стационарда ётишни узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун текширувдан ўтказилиши керак.

Шахс ғайрихтиёрий тартибда психиатрия стационарига жойлаштирилган пайтдан эътиборан олти ой ўтгандан кейин шифокор психиатрларнинг стационарда ана шундай ётишни узайтириш зарурлиги туғрисидаги хулосаси психиатрия стационари маъмурияти томонидан психиатрия муассасаси жойлашган ердаги судга юборилади. Суд стационарда ётишни ушбу Қонуннинг 29—30-моддаларида назарда тутилган тартибда узайтириши мумкин.

Шахснинг психиатрия стационарида ётиши олти ойдан ортиқ узайтирилганда шифокор психиатрлар комиссияси томонидан текширувлар олти ойда камида бир марта ўтказилади.

### 32-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатишда хавфсизликни таъминлаш чоралари

Стационарда психиатрия ёрдами стационарга ётқизилган шахснинг ва бошқа шахсларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган шароитларда, тиббий ходимлар томонидан унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Ғайрихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизилганда ва бу ерда бўлинганда жисмоний сиқувга олиш ва ажратиб қўйиш чоралари, шифокор психиатрнинг фикрига кўра, шахснинг ўзи ёки бошқа шахслар учун хавф туғдирувчи ҳаракатларини ўзга усуллар билан бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолларда, шаклларда ва даврда қўлланилади ва тиббий ходимларнинг доимий назоратида амалга оширилади. Жисмоний сиқувга олиш ёки ажратиб қўйиш чораларининг шакллари ва вақти ҳақида тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйилади.

Ички ишлар органларининг ходимлари ғайрихтиёрий равишда стационарга ётқизишни амалга оширишда тиббий ходимларга ёрдам кўрсатишлари ва ётқизиладиган шахс билан мулоқотда бўлиш ва уни кўздан кечириш учун хавфсиз шароитни таъминлашлари шарт. Ётқизиладиган шахснинг атрофидагилар ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларини бартараф этиш зарур бўлган ҳолларда, шунингдек ётқизилиши керак бўлган шахсни қидириш ва ушлаш зарурати бўлганда ички ишлар органларининг ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳаракат қиладилар.

**33-модда. Вояга етмаганлар ва муомалага лаёқатсиз деб топилган, қонуний вакиллари-нинг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига жойлаштирилган шахсларни текширувдан ўтказиш**

Қонуний вакиллари-нинг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига жойлаштирилган ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахс ва қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс психиатрия муассасаси шифокор психиатрларининг комиссияси томонидан ушбу Қонун 28-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда мажбурий текширувдан ўтказилиши керак. Бу шахслар дастлабки олти ой мобайнида шифокор психиатрлар комиссияси томонидан ҳар ойда камида бир марта стационарда бўлишини узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун текширувдан ўтказилишлари лозим. Стационарда бўлиш олти ойдан ортиқ узайтирилганда шифокор психиатрлар комиссияси томонидан текширув олти ойда камида бир марта ўтказилади.

Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахсни ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсни стационарга ётқизишда шифокор психиатрлар комиссияси ёки психиатрия стационари маъмурияти йўл қўйилган сунистеъмомликларни аниқлаган тақдирда, психиатрия стационари маъмурияти бу ҳақда васийликдаги шахснинг турар жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилади.

**34-модда. Психиатрия стационарида даволанувчиларнинг ҳуқуқлари**

Даволанувчига уни психиатрия стационарига жойлаштириш асослари ва мақсадлари, унинг ҳуқуқлари ва стационарда ўрнатилган қоидалар тушунтирилиши керак. Бу ҳақда тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйилади.

Психиатрия стационарида даволанаётган ёки текширувдан ўтаётган даволанувчилар:

даволаш, текширувдан ўтказиш, психиатрия стационаридан чиқариш ва ушбу Қонун билан берилган ҳуқуқларга роя этиш масалалари юзасидан бевосита бош шифокорга ёки бўлим мудирига мурожаат этишга;



давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига шикоятлар ва аризалар беришга;

адвокат ва руҳоний билан ёлғиз учрашишга;

тиббий монеликлар бўлмаса диний урф-одатларни бажо этишга;

газета ва журналларга обуна бўлишга;

агар даволанувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган бўлса умумий таълим мактаби ёки интеллектуал ривожланиши бузилган болалар махсус мактаби дастури бўйича таълим олишга;

агар даволанувчи фойдали меҳнатда иштирок этаётган бўлса меҳнати учун унинг миқдори ва сифатига мувофиқ бошқа фуқаролар билан тенг равишда ҳақ олишга;

хатлар ёзиш ва олишга, посилкалар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиш ва жўнатишга, телефондан фойдаланишга, келувчиларни қабул қилишга, энг зарурий нарсаларга эга бўлиш ва уларни олишга, ўз кийим-кечагидан фойдаланишга ҳақли. Бу ҳуқуқлар даволанувчи ва бошқа шахсларнинг соғлиғи ёки хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб шифокорнинг тавсиясига кўра чекланиши мумкин.

Газета ва журналларга якка тартибда обуна бўлиш, телефонда сўзлашувлар ва бошқа пулли хизматлар даволанувчиларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Психиатрия стационарида даволанаётган ёки текширувдан ўтаётган даволанувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

### **35-модда. Психиатрия стационари маъмурияти ва тиббий ходимларининг мажбуриятлари**

Психиатрия стационарининг маъмурияти ва тиббий ходимлари даволанувчиларнинг ва уларнинг қонуний вакилларининг ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратишлари, шу жумладан:

психиатрия стационаридаги даволанувчиларни зарур тиббий ёрдам билан таъминлашлари;

ушбу Қонун матни, мазкур психиатрия стационарининг ички тартиб қоидалари билан, даволанувчиларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда мурожаат этишлари мумкин бўлган давлат ва жамоат органлари, муассасалар,

ташкilotлар ва мансабдор шахсларнинг манзиллари ва телефонлари билан танишиш имкониятини беришлари;  
даволанувчиларнинг хат ёзиши ва олиши, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларига шикоят ва аризалар йўллаши учун шарт-шароит яратишлари;

даволанувчи ғайрихтиёрий тартибда психиатрия стационарига тушган пайтдан эътиборан 24 соат ичида унинг қонуний вакили, қариндошлари ёки у кўрсатган бошқа шахсни хабардор қилиш чораларини кўришлари;

даволанувчининг соғлиғи ҳолатидаги ўзгаришлар ва у билан боғлиқ фавқулодда ҳодисалар ҳақида унинг қонуний вакили ёки қариндошларини, шунингдек у кўрсатган бошқа шахсни хабардор қилишлари;

стационардаги даволанувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашлари, посилкалар ва унга олиб келинган нарсаларнинг таркибини назорат қилишлари;

қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган, аммо қонуний вакилга эга бўлмаган даволанувчиларнинг қонуний вакили вазифасини бажаришлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажаришлари шарт.

### 36-м о д д а. Психиатрия стационаридан чиқариш

Даволанувчини психиатрия стационаридан чиқариш у соғайиб кетган ёки унинг руҳий ҳолати яхшиланиб, бундан буён стационарда даволаниш талаб қилинмаган ҳолларда, шунингдек стационарга жойлаштириш учун асос бўлган текширув ёки экспертиза ниҳоясига етказилганидан кейин амалга оширилади.

Психиатрия стационарида ихтиёрий равишда турган даволанувчини чиқариш унинг шахсий аризасига, унинг қонуний вакилининг аризасига ёки даволовчи шифокорнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Ғайрихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизилган даволанувчини чиқариш шифокор психиатрлар комиссиясининг хулосасига ёки суднинг бундай ётишни узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги қарорига биноан амалга оширилади.

Суд қарорига биноан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган даволанувчини стационардан чиқариш фақат суд қарори билан амалга оширилади.

Ихтиёрий равишда психиатрия стационарига ётган

даволанувчини, агар психиатрия муассасасининг шифокор психиатрлари комиссияси томонидан ғайрихитий тартибда ётқизиш учун ушбу Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган асослар аниқланса, уни чиқариш рад этилиши мумкин. Бу ҳолда психиатрия стационарида бўлиш, ётишни узайтириш ва стационардан чиқариш масалалари ушбу Қонуннинг 28—31-моддаларида, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**37-модда. Шахсларни ижтимоий таъминот психиатрия муассасасига жойлаштириш асослари ва тартиби**

Ижтимоий таъминот психиатрия муассасасига жойлаштириш учун руҳий ҳолати бузилган шахснинг шахсий аризаси ва шифокор психиатр иштирокидаги тиббий комиссиянинг хулосаси, ун саккиз ёшгача бўлган шахс ёки қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс учун эса — шифокор психиатр иштирокидаги тиббий комиссиянинг хулосаси асосида васийлик ва ҳомийлик органи қабул қилган қарор асос ҳисобланади. Хулоса шахсда унинг ихтисослашмаган ижтимоий таъминот муассасасида бўлиш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий ҳолатнинг бузилиши борлиги ҳақидаги, муомалага лаёқатли шахсга нисбатан эса — шунингдек уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги масалани суд олдига қўйиш учун асослар йўқлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Васийлик ва ҳомийлик органи ижтимоий таъминот психиатрия муассасасига жойлаштирилган шахсларнинг мулкӣ манфаатларини муҳофаза қилиш чораларини кўриши шарт.

**38-модда. Шахсларни махсус таълим психиатрия муассасасига жойлаштириш асослари ва тартиби**

Ун саккиз ёшгача бўлган, руҳий ҳолати бузилган шахсларни махсус таълим психиатрия муассасасига жойлаштириш учун унинг ота-онаси ёки бошқа қонунӣ вакилининг аризаси ва психолог, педагог ва шифокор психиатрдан иборат таркибдаги комиссиянинг мажбу-

рий хулосаси асос ҳисобланади. Хулоса вояга етмаган шахсни интеллектуал ривожланиши бузилган болалар махсус мактаби шароитида ўқитиш зарурлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак.

**39-м о д д а.** Ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасасида яшаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва шу муассасалар маъмуриятининг мажбуриятлари

Ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасаларида яшаётган шахслар ушбу Қонуннинг 34-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланалар.

Ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасаси маъмурияти ва ходимларининг у ерда яшовчи шахсларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратишга доир мажбуриятлари ушбу Қонуннинг 35-моддаси ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасасининг маъмурияти бир йилда камида бир марта у ерда яшовчи шахсларни бу муассасада бундан буён сақлаб туриш тўғрисидаги, шунингдек уларнинг муомалага ласқатлилиги ҳақидаги қарорни қайта кўриб чиқиш мумкинлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш мақсадида уларни шифокор психиатр иштирокидаги тиббий комиссия томонидан текширувдан ўтказиши шарт.

**40-м о д д а.** Ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасасидан бошқасига ўтказиш ва чиқариш

Шахсни ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасасидан умумий типдаги шундай муассасага ўтказиш учун шифокор психиатр иштирокидаги тиббий комиссиянинг ихтисослаштирилган психиатрия муассасасида яшаши ёки таълим олиши учун тиббий зарурат йўқлиги ҳақидаги хулосаси асос ҳисобланади.

Ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасасидан чиқариш:

шифокор психиатр иштирокидаги тиббий комиссиянинг шахс соғлиги ҳолатига кўра мустақил равишда

яшашга лаёқатлилиги тўғрисидаги хулосаси бўлса, шахснинг шахсий аризасига биноан;

чиқарилаётган шахснинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилининг, ўн саккиз ёшгача бўлган шахсни ёки қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсни парваришлаш мажбуриятини зиммасига олаётган қариндошларининг аризасига биноан амалга оширилади.

#### **IV. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР**

##### **41-м о д д а. Психиатрия ёрдами кўрсатиш фаолияти устидан назорат қилиш**

Психиатрия муассасалари ва психиатрия ёрдами кўрсатувчи шахсларнинг фаолияти устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа давлат органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Психиатрия муассасалари, шунингдек психиатрия ёрдами кўрсатувчи шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назорати жамоат бирлашмалари томонидан ўз уставларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

##### **42-м о д д а. Психиатрия ёрдами кўрсатишга доир ҳаракатлар устидан шикоят қилиш**

Тиббиёт ходимлари, бошқа мутахассислар, ижтимоий таъминот ва таълим ходимлари, тиббий комиссиялар ва бошқа шахсларнинг фуқароларга психиатрия ёрдами кўрсатишда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатлари устидан бўйсунувига кўра юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш мумкин.

##### **43-м о д д а. Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

**2000 йил 31 август**

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 7—8-сон, 218-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

1. «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2001 йилнинг 1 январидан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚУШИМЧАЛАР  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING**

**2000 йил 31 август**

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 7—8-сон, 217-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳуж-  
жатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

**I. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда  
қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғриси-  
да»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Ке-  
нгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 355-модда; Ўз-  
бекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотно-  
маси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1999 йил, № 5, 124-мод-  
да) 20-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

**«20-м о д д а. Махсус экспертизаларни ўтказиш со-  
ҳасидаги талаблар**

Аҳоли ва алоҳида шахслар саломатлиги ва касал-  
ланиш ҳолатини махсус экспертиза қилишнинг санита-  
рия-гигиена, санитария-экология, тиббий, биологик, тех-  
никавий, социологик ва бошқа турлари, шунингдек  
лойиҳа, техника ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатлар-  
ни, ускуналарни, асбобларни ва аппаратларни, кимёвий  
моддаларни, турли бирикмаларни, материалларни ва  
муҳитларни, озиқ-овқат хом ашёсини ва маҳсулотлари-  
ни, саноат буюмларини, радиоактив материалларни, ра-  
диация техникасини экспертиза қилиш санитария назо-  
ратини амалга оширувчи органлар ва муассасалар, шу-  
нингдек илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юрт-  
лари, бошқа муассаса ва ташкилотлар томонидан бу-  
юртмачининг маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Бош давлат санитария врачининг қарорига би-  
ноан ўтказилади.

Махсус экспертизаларни ўтказиш тартиби, буюртмачиларнинг, эксперт муассасалари ва экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек белгиланган қондаларни бузганлик учун жавобгарлик қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади».

II. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4—5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда):

1) 24-моддасининг:  
номи куйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Давлат экология экспертизаси»;  
учинчи қисми чиқариб ташлансин;  
2) 25-моддасининг биринчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат экология экспертизаси объектлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади»;

3) 26-моддаси чиқариб ташлансин;

4) 31-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

III. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4—5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда) 8-моддасининг иккинчи қисмидаги, 9-моддасининг иккинчи қисмидаги ва 27-моддасининг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Маҳсулотлар ва хизматларни



сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 50-модда):

1) 1-моддаси қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«сифат бўйича эксперт-аудитор» — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ва текшириш соҳасидаги ишларни олиб бориш учун тегишли малакаси бўлган мутахассис;

«сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органи» — белгиланган тартибда аккредитация қилинган, сертификатланган маҳсулот ва сифатни бошқариш тизимини баҳолашни сертификатлаштириш органлари топишига биноан амалга оширувчи орган;

«назорат йўсинидаги текширув» — белгиланган талабларга мувофиқлигини сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш чоғида тасдиқлаш мақсадида сертификатланган маҳсулот, сифатни бошқариш тизимини ёки ишлаб чиқаришни, сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини такрорий баҳолаш таомили»;

2) 5-моддаси иккинчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларини, синов лабораторияларини (марказларини), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органларини, шунингдек сифат бўйича эксперт-аудиторларни аккредитация қилади;

сертификатланган маҳсулотларнинг, сифатни бошқариш тизимларининг, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларининг, синов лабораторияларининг (марказларининг), сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг Давлат реестрини юритади, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда бундай маҳсулотни тайёрлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади»;

3) 6-моддасининг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўздавстандарт»нинг ўзи, унинг томонидан аккредитация қилинган ёки эътироф этилган сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органлари, сифат бўйича эксперт-аудиторлар, шунингдек маҳсулоти

сертификатлаштирилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жисмоний шахслар сертификатлаштириш субъектларидир»;

4) 8-моддасининг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аккредитация қилинган сертификатлаштириш субъектлари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган сертификатлаштириш соҳасида иш олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда уларнинг сертификатлаштириш муайян тизимидаги ваколатларини белгилловчи ҳужжат асосида амалга оширади»;

5) 11-моддасининг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мажбурий сертификатлаштириш ишлаб чиқаришни текширишни, маҳсулот хусусияти норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш учун уни синашни, назорат йўсинидаги текширувни ва сертификатланган маҳсулот устидан назоратни ўз ичига олади»;

6) 16-моддасининг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг, сотувчиларнинг, ижрочиларнинг) мажбурий сертификатлаштириш қондаларига риоя этишлари устидан давлат текшируви ва назоратини «Ўздавстандарт»нинг давлат инспекторлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширади»;

7) қўйидаги мазмундаги 16<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:

«16<sup>1</sup>-модда. Назорат йўсинидаги текширув

Сертификатланган маҳсулот, сифатни бошқариш тизимлари, ишлаб чиқариш, аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш органлари устидан назорат йўсинидаги текширувни сифат бўйича эксперт-аудиторлар «Ўздавстандарт» томонидан белгиланган тартибда амалга оширади»;

8) 21-моддасининг бешинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўздавстандарт»нинг, Шикоятларни қараб чиқиш кенгашининг қарорлари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин»;

9) 23-моддасининг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тайёрловчилар (тадбиркорлар) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, ammo сертификатланмаган маҳсулотни реализация қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, реализация қилинган маҳсулот қиймати миқдориди жарима солинади. Жарима низосиз тартибда ундирилади. Жариманинг ундирилиши мажбурий сертификатлаштиришни ўтказишдан озод қилмайди. Жарима мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этиш устидан текширувни ўтказиш қонун ҳужжатлари билан зиммасига юкланган давлат бошқарув органлари мансабдор шахсларининг қарорига биноан ундирилади».

V. Ўзбекистон Республикасининг 1984 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда) 339-моддасининг иккинчи қисмидаги «ва миллий хавфсизлик хизмати» деган сўзлар «миллий хавфсизлик хизмати ва давлат солиқ хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5—6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда):

1) 97-моддасининг номидаги ва биринчи қисми диспозициясидаги, 98-моддасининг биринчи қисми диспозициясидаги «Давтехконназорат» деган сўз «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини на-

зорат қилиш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 260-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«260-м о д д а. Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги органлари**

Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги органларига ушбу Кодекснинг 55, 70-моддаларида, 71-моддасида (табиати муҳофаза қилиш қоидалари бундан мустасно), 72-моддасида (термал сувларга доир қисмида), 97, 98-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўллашга ҳақлидир:

бош директор ва унинг ўринбосари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

тармоқ инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда;

минтақавий кончилик-техник инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда;

давлат инспекторлари — энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда».

**VII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 10, 252-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда) 7-моддасининг иккинчи қисмидаги, 14-моддасининг еттинчи қисмидаги, 45-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларидаги тегишли келишикдаги «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси» деган сўзлар шундай келишикдаги «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.**

**VIII. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5—6, 70-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда):**

**1) 8-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш ва кончилик назорати давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

**2) 12-бандининг тўққизинчи хатбошисидagi ва 13-бандининг «д» кичик бандидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси» деган сўзлар «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.**

**IX. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда):**

**1) 3-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибida ҳудудий бўлинмаларга эга бўлган: солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш махсус бўлинмаси, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат ҳамда ҳужжат асосидаги текширув ва тафтишни амалга оширувчи махсус назорат-тафтиш бўлинмаси, шунингдек давлат солиқ хизмати органларида режим ва ходимлар билан ишлаш махсус бўлинмаси тузилади»;

**2) 5-моддасининг:**

**биринчи қисми:**

**14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«14) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳолларини аниқлаш, бундай ҳолларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун, шунингдек уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш учун тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирув ўтказиш, жиноий ишлар қўзғатиш ва уларни терговга тегишлилигига кўра ўтказиш»;

қуйидаги мазмундаги 15-банд билан тўлдирилсин:

«15) юридик ва жисмоний шахслар эгаллаб турган ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун фойдаланаётган биноларга қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда монеликсиз кириш. Солиқ солиш миқ-дорларини ҳисоблаб чиқаришнинг асослилигини текши-риш чоғида ишлаб чиқариш, омборхона, савдо ва бош-қа биноларни, ҳужжатлар, пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар сақланадиган жойларни мулкдорнинг иштирокида кўздан кечириш»;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органларининг ушбу модда биринчи қисмининг 1—7-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлари давлат солиқ хизмати органларининг барча мансабдор шахсларига, 8—14-бандларида назарда ту-тилган ҳуқуқлари эса (тезкор-қидирув фаолияти бун-дан мустасно) фақат давлат солиқ хизмати органлари-нинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига бери-лади. Ушбу модда биринчи қисмининг 8—15-бандлари-да назарда тутилган ҳуқуқлар солиқ соҳасидаги ҳуқуқ-бузарликларга қарши курашиш махсус бўлинмаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахсларига берилади»;

3) 13-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизматининг мансабдор шахслари қуйидагилар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўладилар:

ўз вазибаларини бажармаганлиги ёхуд зарур дара-жада бажармаганлиги, ижро интизомини бузганлиги учун;

ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бош-қа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаганлиги учун;

ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) нати-жасида фуқароларга, корхоналар, муассасалар ва таш-килотларга моддий ва маънавий зарар етказганлиги учун;

ўзининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида ҳўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтириб юборганлиги ва со-лиқ солиш базасини камайтириб юборганлиги учун;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига

мувофиқ бўлмаган қарорлар қабул қилганлиги учун;  
бошқа ҳуқуқбузарликлари учун.

Солиқ органлари мансабдор шахсларининг солиқ текширувини амалга ошириш чоғидаги ғайриқонуний ҳаракатлари билан етказилган зарарлар қонунда белгиланган тартибда қопланиши керак.

Давлат солиқ органлари ходимларининг ўз хизмат ваколатлари доирасидан четга чиққанлиги, шунингдек зиммасига юкланган хизмат вазифаларини бажармаганлиги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади».

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

# **НОВЫЕ ЗАКОНЫ УЗБЕКИСТАНА**

**Законы и постановления, принятые на III сессии  
II-созыва Олий Мажлиса Республики Узбекистан  
30—31 августа 2000 г.**





**ОБ УЧРЕЖДЕНИИ ОРДЕНА ЖАЛОЛИДДИНА  
МАНГУБЕРДИ**

**ЗАКОН**

**РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**от 30 августа 2000 года**

**(Ведомости Олий Мажлиса Республики  
Узбекистан, 2000 г., № 7—8, ст. 202)**

**Олий Мажлис Республики Узбекистан постанов-  
ляет:**

1. Учредить орден Жалолиддина Мангуберди.
2. Утвердить положение об ордене Жалолиддина Мангуберди (прилагается).
3. Утвердить описание ордена Жалолиддина Мангуберди (прилагается).
4. Статью 11 Закона Республики Узбекистан от 22 декабря 1995 года «**О государственных наградах**» Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1995 г., № 12, ст. 266; 1996 г., № 5—6, ст. 63, № 9, ст. 120; 1998 г., № 9, ст. 163) после слов «орден Амир Темура» дополнить словами «орден Жалолиддина Мангуберди».

**Президент  
Республики Узбекистан**

**И. КАРИМОВ**

## ПОЛОЖЕНИЕ

### ОБ ОРДЕНЕ ЖАЛОЛИДДИНА МАНГУБЕРДИ

1. Орденом Жалолиддина Мангуберди награждаются военнослужащие командного состава, проявившие образцы высокого военного мастерства, героизм и отвагу при защите независимости страны, рубежей Родины, родной земли и сохранении ее как зеницы ока, внесшие большой вклад в укрепление оборонной мощи нашего государства.

2. Орден Жалолиддина Мангуберди является высшей воинской наградой Республики Узбекистан.

3. Представление о награждении орденом Жалолиддина Мангуберди вносится руководителями республиканских органов оборонных и правоохранительных учреждений.

4. Награждение и вручение ордена Жалолиддина Мангуберди производится в порядке, предусмотренном Законом Республики Узбекистан «О государственных наградах».

5. Лица, награжденные орденом Жалолиддина Мангуберди, получают единовременное денежное вознаграждение в размере пятидесятикратной минимальной заработной платы.

Лица, награжденные орденом Жалолиддина Мангуберди, пользуются льготами, устанавливаемыми законодательством.

6. Орден Жалолиддина Мангуберди носится на правой стороне груди, после ордена Амира Темура.

7. При посмертном награждении орденом Жалолиддина Мангуберди орден, документ о награждении и единовременная денежная выплата вручаются семье награжденного.

## О П И С А Н И Е

### ОРДЕНА ЖАЛОЛИДДИНА МАНГУБЕРДИ

Орден Жалолиддина Мангуберди изготавливается из серебра 925 пробы, имеет форму пятиугольника с ребристыми лучами серебристого цвета. Диаметр окружности, в которую вписывается пятиугольник, - 55 миллиметров.

В центре ордена, на окружности, обрамленной белым ободком, расположено золотистое рельефное изображение Джалолиддина Мангуберди на фоне расходящихся лучей. Фон за фигурой заполнен эмалью небесно-голубого цвета.

Вверху ободка по кругу расположена надпись «**JALOLIDDIN MANGUBERDI**». Наружный диаметр ободка — 35 миллиметров.

В нижней части ободка симметрично размещены две лавровые ветви, покрытые зеленой эмалью, между листьями которых расположены кристаллы фианитов.

Над ободком, по центру, размещен мусамман золотистого цвета, по размеру вписывающийся в круг диаметром 8 миллиметров.

Оборотная сторона ордена вогнутая. В центре находится нарезной штифт с гайкой для крепления. В нижней части нанесен номер ордена вогнутым шрифтом размером 1 миллиметр.

